O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 14 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 46 (7241)

Da'vat

Кўп билган эмас, билими манфаат келтирувчигина донодир.

ЭСХИЛ

Ibrat

Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 4-мактабнинг битирувчи ўқувчилари мактаб ҳовлисига бир тупдан кўчат ўтказишди, мактаб кутубхонасига эса бир жуфтдан китоб ҳадя этишди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕҲРОН САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ЭКО) олтинчи саммитида қатнашиш ҳамда Эрон Ислом Республикасига амалий ташрифини адо этиш мақсадида 9-11 июнь кунлари Теҳрон сафарида бўлди.

ЭКОга аъзо мамлакатлар делегациялари "Ҳофизия" қароргоҳига йиғилди. Саммит мезбони галдаги олий даражадаги йиғилишга қадар ЭКОга раислик қилади. Бинобарин, мажлисни Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий бошқарди.

Бугунги кунда дунё иқтисодиётидаги жараёнлар тобора фаоллашмоқда. Анъанавий коммуникация тармоқлари ривожланиб, фан-техника ва технология тобора юксак чўққиларни забт этаётир. Шуни инобатга олиб, саммит иштирокчилари ЭКОнинг янги мингйилликдаги стратегиясини ишлаб чиқиш борасида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказишга келишиб олди. Шунингдек, энди транспорт ва коммуникация, савдо-сотиқ ва энергетика борасидаги ҳамкорлик устувор соҳалар, деб қабул қилинди. Қатнашчилар айрим мамлакатлардаги қашшоқлик, турли юқумли касалликлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ечиш, устувор соҳалар билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, саноат, инсон ҳаёти мезонлари бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, айни пайтда наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосотиғига қарши биргаликда курашиш истагини билдирди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Боиси, мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида нафақат минтақамиз, балки дунё миқёсига молик амалий таклифларни илгари сурди. Президентимиз, аввало, ЭКО том маънода Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бўлиши лозимлигига эътиборни қаратди. Яъни, аъзо мамлакатлар ташкилот фаолиятига сиёсий тус беришга интилмасдан, биринчи навбатда, минтақада иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида бош қотириши керак. Шунингдек, дунё иқтисодиёти шиддат билан ўзгариб, илм-фан ва технология ривожланиб бораётган замонда ташкилот шароитга мослашмоғи ва шу жиҳатдан олиб қаралганда, ЭКОни ислоҳ этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки саммитда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар билан бирга, шунчаки имзоланаётган лойиҳалар ҳам оз эмас. Шу пайтгача тасдиқланган эллик лойиҳанинг тўққизтасигина ҳаётга тадбиқ этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Аслида ЭКО доирасида бирор ҳужжат имзоланса, кенг овоза қилинади, лекин ижрога келганда, сусткашлик ва эътиборсизликка дуч келинмоқда.

Қабул қилинган қарор, имзоланган ҳужжатларнинг ижроси, аввало, барқарорликка боғлиқ, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари учрашувда. Шу боис Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, ЭКО доирасидаги деярли барча саъй-ҳаракатлар зое кетаверади. Бу беқарорлик эса нафақат минтақага, балки бутун дунёга хавф солаяпти. Афғонистондан чиқаётган террорчилар, гиёҳванд моддалар жуда олис ўлкаларга ҳам етиб бораяпти ва ҳалокат уруғини сочаяпти. Ислом Каримовнинг фикрича, Афғонистондаги қарама-қаршиликни тугатиш учун унга ташқи аралашувга чек қўйиш лозим. Мазкур ўлкада тинчлик ўрнатиш учун эса, авваламбор, ўт очишни тўхтатиш ва музокара бошлаш керак. Қуролли тўқнашувлар бир томоннинг иккинчи томон устидан мутлақ ғалаба қозонишига олиб келмайди. Буни, айниқса, "Толибон" ҳаракати яхши англаб етиши зарур.

ЭКО саммитида Президент Ислом Каримов илгари сурган яна бир масала наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдосига тегишли бўлди. Ҳозирги кунда дунёда етиштириладиган гиёҳванд моддаларнинг 70-75 фоизи Афғонистонда тайёрланмоқда ва асосан, ЭКО мамлакатлари орқали жаҳонга тарқалаяпти. Айни пайтда бу кулфат мазкур давлатларнинг ўзида ҳам оғу истеъмолининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш дастури вакили эълон қилган маълумотга кўра, Эрон ва Покистонда героин истеъмол қилувчи кишилар сони бир миллионга етган, Марказий Осиёда ҳам бу кўрсаткич ошмоқда. Албатта, ЭКО мамлакатлари ғайриқонуний ташилаётган наркотик моддаларни ушлаш борасида дунёда етакчи ўринда туради. Бутун дунёда мусодара этилаётган оғунинг 80-90 фоизи ЭКОга тўғри келади. Лекин бу муаммони тўла ечмайди. Шу боис, саммитда қабул қилинган ва Теҳрон декларацияси номини олган ҳужжатга ЭКО ҳузурида БМТнинг махсус дастури билан ҳамкорликда ишловчи наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатланишига қарши курашни мувофиқлаштирувчи орган ташкил этиш тўғрисидаги банд киритилди.

Президент Ислом Каримовнинг Эронга амалий ташрифи дастурдагидан анча олдин бошланди. Теҳронга келган куни давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов шу куни кечқурун Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрозий билан учрашди.

11 июнь куни Эрон Президентининг "Жумҳурия" қароргоҳида бўлиб ўтган икки мамлакат давлат раҳбарларининг музокаралари ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал, сўнгги йилларда Эронда юз бераётган ўзгаришлар хусусида тўхталиб ўтсак. Эроннинг 1979 йилдан буён деярли ўзгаришсиз келаётган сиёсий ҳаётида сўнгги уч йил мобайнида сезиларли бурилиш юз бермоқда. Давлат тепасига катта ислоҳотлар орзусида бўлган Муҳаммад Ҳотамий келди. У халқаро иқтисодий ва сиёсий тазйиқлар қуршовида қолган мамлакатини янги йўлга бошламоқчи бўлди. Лекин мамлакатда катта нуфузга эга бўлган радикал кучлар бунга имкон бермаслиги аниқ эди. Парламент ҳам уларнинг ёнини олди. Муҳаммад Ҳотамий учун президент лавозимини эгаллаш қанчалик қийин кечган бўлса, ўз режаларини амалга ошириш ундан ҳам оғир эди. Ниҳоят, бу йил баҳорда Эронда парламентга сайлов ўтказилди. Сайлов танлаган йўлида собит турган Муҳаммад Ҳотамий фойдасига ҳал бўлди: депутатлар орасида ислоҳотлар тарафдори бўлганлар тахминан 60 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатда Президент Ҳотамийнинг йўлини ёқлайдиганлар кўпайгани, у ўтган вақт ичида аҳолининг аксар қисмида ўз сиёсатига ишонч ва эътиқод уйғота олганидан дарак беради.

Айни пайтда Эрон Марказий Осиё мамлакатлари, аввало, Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга киришмоқда. Бунинг сабаби, аввало, мамлакатимизнинг минтақадаги юқори мавқеи ва Президент Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсат билан изоҳланади, албатта.

Теҳронда кечган музокаралар чоғида ЭКО фаолияти ва Афғонистон муаммоси бўйича Ўзбекистон билан Эроннинг қарашлари яқин эканлиги намоён бўлди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик икки томонда ҳам теран ҳис этилмоқда. Айниқса, транспорт коммуникацияси ва савдо-сотиқ борасида. Бундан ташқари, музокараларда жуда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар гапириш, кўплаб ҳужжатларга имзо чекиш мумкин, лекин ўзаро ишонч ва ҳурмат бўлмаса, барча саъй-ҳаракатлардан наф йўқ.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Эрон Ислом Республикаси Президенти ўртасидаги музокаралар якуни бўйича Қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, террорчилик, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатланиши, жиноятчиларни ушлаб топшириш, божхона хизматларига ёрдам кўрсатиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ҳам ҳужжатлар қабул қилинди.

Эронга сафари чоғида Президент Ислом Каримов ЭКО саммитида иштирок этиш учун Теҳронга келган айрим мамлакатлар раҳбарлари билан учрашди. Дастлаб Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимизнинг икки томонлама алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди. Ислом Каримовнинг Покистон ижро ҳокимияти раҳбари Парвез Мушарраф билан учрашувида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуи бўлди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Теҳрон-Тошкент.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро валюта жамғармасининг Иккинчи Европа департаменти директори Жон Одлинг - Сми раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг табаррук 80 ёшга тўлганлиги муносабати билан адибга самимий тилаклар билдирилган мактубини йўллади.

• "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Олий Мажлис қарорига мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда тасдиқланди ҳамда матбуотда эълон қилинди.

• Сурия Президенти Ҳафиз ал-Асад вафоти боис президентлик лавозимини эгаллайдиган унинг ўғли Башар ал-Асаднинг ҳокимият тепасига келиши жаҳон ҳамжамиятини Яқин Шарқдаги тинчликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, дея умидлантирмоқда.

• Покистон раҳбарияти бир неча кун илгари хориж оммавий-ахборот воситалари тарқатган Покистон ядро қуролини кўпайтиришда Ҳиндистондан ўзиб кетганлиги ҳақидаги хабарни рад этиб, расмий Исломободнинг нияти аксинча эканлигини маълум қилди.

Ўқитувчи ёнидафтарига

АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ

Америкалик олимлар Ер вазнини катта аниқлик билан ўлчайдиган янги услубни топиб, сайёрамизнинг вазни шу вақтга қадар фанда қабул қилиб келинаётган миқдордан анча енгил эканлигини аниқлашди. Яъни, Ер вазни илмий адабиётларда айтилганидек, 5, 978 секстиллион тонна эмас, балки 5, 972 секстиллион тоннага тенг экан.

ТАДҚИҚОТ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Япон ва немис тиббиётчилари инсон хромосомасининг генетик кодини аниқлаш борасидаги тадқиқот ишларини ниҳоясига етказдилар. Мазкур тадқиқотлар генлар занжиридаги бузилиш туфайли юзага келадиган ақлий қолоқлик, юрак касалликлари ва ракнинг олдини олиш ва даволашда қўл келади.

МАЪЛУМОТГА ЭГА ЭМАС

Буюк Британиялик ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровлар болаларнинг аксарияти картошка ҳақида етарли маълумотга эга эмасликларини кўрсатди. Ўқувчилар, ҳатто картошканинг рангини ҳам билмас эканлар. Мамлакатдаги картошка етиштирувчилар уюшмаси ушбу жиҳатдан миллий таълим тизимини жиддий танқид қилмоқда.

ПАШША ТАРҚАТИЛМОҚДА

Исроилда қўлланилаётган ғаройиб янгилик қуйидагича: мамлакатда стерилизациядан ўтказилган пашшалар Исроил, Иордания ва Фаластин мухториятлари ҳудудларига тарқатилмоқда. Бу пашшалар қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказаётган Ўрта ер денгизи пашшаларини йўқотишда қўл келмоқда. Яъни, махсус пашшалар оддий пашшалар билан қўшилиш натижасида насл қолдирмайди, оқибатда уларнинг янги авлоди пайдо бўлмайди.

ЯНГИЧА ТАФАККУР ИМКОНИЯТИ
2-бет

БОЛАНИНГ ҚОРНИНИ ТЎҚ, УСТИНИ БУТ ҚИЛИШ ОСОН...
3-бет

Xalq ta'limi muassasalari bozor iqtisodiyoti sharoitida

ТАЪЛИМ ВА БОЗОР

ИЛМИЙ АСОСДА УЙҒУНЛАШАДИ

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани корхона, ташкилот, муассаса ва барча фуқароларга турли соҳаларда эркин, ташаббускорона фаолият юргизиш имконини берди ва шу баробарида уларга республикамиз иқтисодий қудратини оширишга ҳисса қўшиш масъулияти ҳам юкланди. Бу — давр талаби. Ўзбекистон ҳозир бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг-ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиққанидан буён орадан қарийб икки ярим йил вақт ўтаяпти. Бу даврда Халқ таълими вазирлигининг таълимга ҳамоҳанг тарзда маблағ ишлаб топишни йўлга қўйиш борасида қатор ҳужжатлари, жумладан буйруқ ва тавсияномалар эълон қилинди. Халқ таълими ҳудудий бошқарув идораларида маркетинг бўлимлари очилди.

(Давоми 2-бетда)

Imtihon — 2000

Яқиндагина асрнинг сўнгги қўнғироғи чалиниб, битирувчиларни якуний имтиҳонларга чорлаган эди. Сирасини айтганда, куни кеча Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Абу Али ибн Сино номли 105-мактабда "Физика" фанидан ўтказилган имтиҳон ҳам ўзига хос аҳамият касб этди.

— Бу йил мактабимизни 50 та ўқувчи битирмоқда, мен бу ўқувчиларнинг ҳаммасини ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишига, олий ўқув юртларига кириб, мактабимизда олган билимларини давом эттиришларига ишонаман, — дейди имтиҳон комиссияси раиси, мактаб раҳбари Мирзаахмад Комилов.

Имтиҳон хонасига кириб, имтиҳон пайтини кузатар эканмиз, физика ўқитувчиси Абдуҳамид Набихонов бироз ҳаяжонда эканлигини пайқадик. Унинг айтишича, имтиҳонни компьютерда олиш жуда қулай ва самарали

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА...

экан, ҳар бир саволга 2 минут вақт берилади.

— 22 йилдан буён шу мактабда ишлайман, аммо бундай қулайликни жорий йилда амалда кўлладик. Очиғи, бу усул ўқувчиларга жуда қўл келмоқда, — деди у. Бу фикрларни физика фани ўқитувчилари Гавҳар Маҳмудова ва Дилфуза Ҳасановалар қўллаб-қувватлашди.

Шу аснода илғор ўқувчилар имтиҳонни топшириб чиқишди. 11 "А" синф ўқувчиси Ширин Мирзакаримова физикада 88 балл тўплаб "5" га лойиқ деб топилганидан роса хурсанд бўлди.

— Бу ютуқ устозларим меҳнатлари натижаси, — деди у камтарлик билан. Энди албатта олий ўқув юртига — иқтисод соҳаси бўйича ҳужжат топширмоқчиман.

Шу синф ўқувчиси Дилфуза Сулаймонова ва Ҳаётхон Султонбоевалар эса фикрларини бундай баён қилишди:

— Имтиҳонларни тест усулида олиб борилиши бизларни катта имтиҳонларга тайёрлаш, деб биламиз. Айниқса, устозларимиз ҳар бир ўқувчидан бирма-бир сўраб, ким нимага қизиқса, шу йўналиш бўйича жиддий тайёрлашга ҳаракат қилганликлари қувонарлидир. Бу эса ўз навбатида бизларни катта ҳаётга унчалик қийналмай қадам босишимизга имконият беради...

Синов якунида имтиҳон комиссияси аъзолари натижаларни текширишиб, шундай хулоса қилишди: 11 "А" синф ўқувчиларининг 70 фоизи физика фанидан имтиҳонини «аъло» баҳога топширишган. Бу эса шаҳардаги энг юқори кўрсаткичдир.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ

ТАРИХ ВА ДАРСЛИК

ЁХУД БУ ҲАҚДА ЎҚИТУВЧИЛАР ФИКРИ

ЎРГАНИБ, ҒУРУРЛАНСИН

Истиқлол туфайли янги даврга қадам қўйдик. Бу давр ҳар бир кишидан ўзи каби янгича фикрлашни, янгича иш юритишни талаб этади. Иккинчи ва энг муҳим масала миллий ўзликни англаш жараёни ҳам айнан мана шу даврда юзага келди. Халқимизнинг ҳаққоний тарихини тиклашга бўлган саъй-ҳаракатлар бошланиб кетди. Бундан икки йил олдин Президентимиз ўзининг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деб номланган асарида шундай деган эди: "Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: Сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий кучқудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихини билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас".

Мана орадан икки йил вақт ўтди. Асарда тилга олинган масала бугун янада аҳамиятли, янада муҳим даражага кўтарилди. Қўлами, жамиятдаги ўрни юксалиб, том маънода миллий ғоя ва миллий мафкурага айланди. Президентимизнинг "FIDOKOR" газетасининг мухбири саволларига жавобида худди шу масалада сўз юритиб, "Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба — бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди", деб айтдилар. Шунингдек, Президентимиз инсон дунёқарашининг шаклланишида ижтимоий фанларнинг, хусусан, тарихнинг ўрнига тўхталиб, ҳозирда ўрта ва олий ўқув юртларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур- қўлланмалар, китобларнинг аҳволи паст даражадалиги, уларнинг замондан ортда қолаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Дарҳақиқат, юқорида тилга олинган масалалар юрт учун қанчалик зарур эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Биз ўсиб келаётган авлодга барча яхши нарсаларни ўргатиш билан бирга улардаги янгиликка, янги фикрларга, янги ҳаёт тарзига бўлган иштиёқини ҳам таъминлаб боришимиз керак.

Тарих ва мафкура бугуннинг ёки икки-уч йил олдинги куннинг ҳаракати бўлмай, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, кўндаланг қўйилгандир. Миллий истиқлол ўтмишга эскича қараш, ёндашув билан эмас, балки умуман янгича руҳ билан, миллийлик ва ҳаққонийлик билан муносабатда бўлишни тақозо этмоқда. Яна бир масала шуки, тарихга бўлган муносабатнинг қанчалик ҳаққоний акс этиши ёшларда Ватанга, истиқлолга бўлган муҳаббатни шунчалик жўштиради, ғурурлантиради. Биз учун муҳими ҳам шу. Аниқроқ қилиб айтганда, тарих фани бўйича мукаммал дарсликлар мавжудми? Чоп этилаётган дарсликлар талаб даражасидами? Ёхуд бугунги тарих китоби ўқувчининг билим даражасини оширишга ёрдам берадими? Қўлланмаларчи?

Кўриниб турибдики, мавзу ниҳоятда аҳамиятли, айни пайтда баҳсталаб ҳамдир. Сабаби, шу вақтгача ўқув синфларга мўлжаллаб ўқув дарсликлари нашр этилди. Айримлари иккинчи нашрдан чиқди. Дарсликлар ўқитувчилар томонидан тажрибадан ўтказилди. Биринчи нашрга нисбатан иккинчи нашр анча такомиллашган. Янги мавзу, ғоя ва бугуннинг талаби ифода этган. Қолаверса, ўтган йилнинг 16 августида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Давлат таълим стандартларида дарсликларга нисбатан аниқ кўрсатма ва йўналишлар белгилаб берилган эди.

(Давоми 2-бетда)

Маркетинг хизматининг асосий вазифаларидан бири ҳам ўқувчиларда 9-синфга қадар ўзлари танлаган касб-ҳунарга оид меҳнат кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Ҳаракат қилган хато қилади, деган нақл бор. Бу хатони эмас, ҳаракатни тан олиб, уни қувватлаб айтилган гап. Биз ҳам муаллифларга шундай деймиз.

ТАЪЛИМ ВА БОЗОР

ИЛМИЙ АСОСДА УЙҒУНЛАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бозор муносабатлари ўзига хос шакл, услуб ва мазмунда тизимга фаоллик билан олиб кирила бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги қарорига мувофиқ таълим муассасалари томонидан топилган маблағларнинг 2000 йил 1 январдан бошлаб икки йил мобайнида солиққа тортилмаслиги ҳамда таълим муассасаларига юридик шахс мақоми берилиши бу борадаги ишларни бирмунча жонлантирди.

Таълим тизимида маркетинг хизматининг йўлга қўйилганлигига уч йил бўлаяпти. Яқинда Халқ таълими вазирлигининг кенгашида айнан шу масала кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларидаги таълим муассасаларида қўшимча маблағ топиш борасида ўзига хос ютуқларга эришилган. Вилоятда ҳозирга қадар 300 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Юридик шахс мақомига эга, махсус ҳисоб рақамига мўмайгина маблағ тушираётган муассасалар сони эса кундан-кунга ортиб бораяпти. Шу каби ибратли сабаблар, илғорликлар туфайли ҳам таълим тизимида маркетинг хизмати фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришга бағишланган республика амалий семинари Фарғонада ташкил этилди.

Мазкур тадбир амалий, ишчанлик руҳида олиб борилди. Семинар иштирокчилари дастлаб гуруҳларга бўлиниб, шаҳар ва туманларда олиб борилаётган ишларни кўздан кечиришди. Албатта, тажрибалар ҳам алмашишди. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошчилигидаги гуруҳ Ёзёвон тумани, Фарғона ва Қувасой шаҳарларида бўлди. Уларга вилоят ҳокимининг ўринбосари Фотиҳ Азимов ҳамроҳлик қилди.

Маркетинг хизматининг кенг қулоч ёйиши ана шу даъватга амалий жавобдир. Хўш, маркетинг деганда нимани тушунамиз? Умумий маънода, маркетинг — товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етиб келиши жараёнидаги тадбиркорлик фаолияти, истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириш имкониятлари, воситалари тўғрисидаги билимлар мажмуи.

Ҳозирги кунда таълим муассасасида қўшимча маблағ ишлаб топиш, уларнинг алоҳида ҳисоб рақамига эгалиги бугунги кунда жуда катта янгилик эмас. Мисол учун, Ёзёвон туманида касбга йўналтирувчи марказ 1980 йилиёқ ташкил топган. Шундан буён бу муассасада ўқувчилар ҳунар ўрганадилар, ишлаб маблағ топадилар. Маркетинг фаолияти ҳозирги кунда ҳам асосан мана шу ерда мувофиқлаштириб борилади. Марказ биноси яқинда қайта реконструкция қилиниб, меҳмонлар борган куни унинг очилиш маросими бўлди. Хоналар замонавий дизайнда, дид билан безатилган. Ўқув-ишлаб чиқариш устахонасида "С" тоифали автомобиль ҳайдовчилар, тикувчилик, зардўзлик, дурадгорлик, радиотелеустачилик курслари мавжуд бўлиб, уларда 293 нафар ўқувчилар таълим олмоқда.

Шунингдек, марказда сармоядан ташқари маблағ топиш мақсадида асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик ҳам йўлга қўйилган. Ҳозир у ерда 50 оила асалари бор. Жорий йилда боғчаларга 190 кг. асал топшириб, 247 минг сўмлик даромад қилинди. 0,6 гектар қўлдан 40 центнер балиқ олиш режалаштирилган. 1 гектар боғдан эса ҳар йили бир тоннадан мева топширилаяпти. Кўриниб турибдики, бу ерда меҳнат ҳам, маҳсулот ҳам, даромад ҳам бегона бўлаётгани йўқ.

Тумандаги "Баҳор" болалар боғчаси марказга ёнма-ён жойлашган. Бу икки маскан туманнинг чекка манзили — Қоратегин қишлоғида фаолият кўрсатади. Боғчада ҳам бичиш-тикиш, дурадгорликдан дурустгина даромад топилаяпти. Ёзёвонда жами 34 та мактаб бўлиб, уларнинг 8 таси юридик шахс мақомини олган. Қолганлари умумий битта — марказий ҳисоб рақамига эга.

Амалий семинар жараёнида меҳмонлар жуда кўп янгиликларга дуч келишди. Мисол учун, шу куни малака ошириш институтида вилоят халқ таълими бўлинининг очилиш маросими ҳам бўлди. Дўкон пештахталарида ўқитувчи ва ўқувчилар учун зарур буюмларнинг турли хилларини учратиш мумкин. Бу ерда мактаб ва лицейлар томонидан тайёрланган мебеллар ҳам ўрин олган. Муҳим жиҳати шундаки, сотувга қўйилган нарсаларнинг барчаси миллий услубда ва қўл меҳнати намуналаридир. Уларнинг баҳоси ҳам харидор учун анча қулай.

Шаҳардаги "Шодлик" гимназиясида педагогик сервис кенг миқёсда йўлга қўйилган. Ота-оналар, ҳомийлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу ерда фақат иқтидорли болалар таҳсил оладилар. Гимназияга кириш ҳам конкурс асосида ташкил этилган. Ота-оналар ўз фарзандларини репететорликка бергани, якшанбалик ўқиш кунлари, гимназияга қабул учун шартнома асосида бадал тўлайдилар. Ўқув даргоҳининг собиқ ўқувчилари эса махсус ҳисоб рақамига беғараз пул ўтказиб беришаяпти. Натижада бино таъмири, болаларнинг овқатланиши гимназия ҳисобидан амалга оширилаяпти.

Қувасой ўзи кичкина, аммо иқтисодий жиҳатдан анчайин бақувват саноат шаҳри ҳисобланади. Бу ерда 7 та катта корхона катта даромад топиб, гуриллаб ишлаб турибди. Уларнинг барчаси ҳам таълим муассасаларига оталиқ қилади. Шаҳар маркетинг хизматини ташкил этиш бўйича нафақат вилоятда, балки республикада ҳам етакчи ўринда туради, десак муболаға бўлмас. Зеро, меҳмонлар буни ўз кўзлари билан кўришди ва хулосалар чиқаришди. Умуман олганда, йиғилишга кўпроқ амалий тус беришнинг сабаби ҳам шунда эди. Яъни, киши бирон-бир илғорликни кўрса, тажриба ўрганса, бундай янгиликларни ўзида ҳам жорий этишга ҳаракат қилади, ундан даъваткор озуқа олади. Ахир, эътибор беринг, туман халқ таълими бўлимига қарашли 1,5 гектарлик иккита сайҳон кўлда балиқчалар ғужғон ўйнайди. Бу ерга дўнгпешона ва олачипор балиқ уруғлари ташланган. Болалар боғчаларига балиқ гўшти 270 сўмдан берилди. Дўконда эса бир кг. балиқ 480 сўм туради. Чойшаб ҳам шу ернинг ўзида тайёрланиб, 40 фоиз арзон нархда сотилаяпти.

Халқ таълими бўлимига қарашли ерларда 2 минг туп терак қад ростлаяпти. Уларнинг ёрдамчи хўжалигида 20 та қўймол, 200 та товуқ, мингдан ортиқ ғоз-ўрдак ҳам боқилаяпти. Каттагина гектарни ташкил этадиган ерда картошка, помидор, карам етиштирилаяпти. Буларнинг барчаси тўғридан-тўғри боғчага топширилади.

Фарғона вилоятининг ҳар бир шаҳар ва туманида халқ таълими ходимларининг мустақил дўкони фаолият юритади. Қувасойдаги ана шундай дўкон «Зиё» деб аталади. Бу ерда ўқитувчи-ўқувчилар учун зарур бўлган жуда кўп нарсани учратиш мумкин. Китобларнинг эса сон-саноғи йўқ. Дарвоқе, қувасойликлар мактаб ўқувчиларини китоб билан бепул таъминлаш тизимига ўтишган. Бу борада бақувват оталиқ ташкилотлари ҳиммат кўрсатишаяпти. Мисол учун, шаҳардаги чинни буюмларини ишлаб чиқарувчи корхона халқ таълими бўлимига бу йил 4 млн. сўмни ҳадя этаяпти. Бу пулга фақат дарслик сотиб олинади. Амалий ташриф чоғида халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев «Чинни» ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳамро Набиевга «Халқ таълими ҳомийси» кўкрак нишонини топширди.

Қувасойликлар маркетинг тизимидаги фаолиятни жонлантириш туфайли ўтган йили қарийб 67 млн. сўмлик даромад қилишган эди. Жорий йилда эса бу рақамни яна 10 млн. га кўтариш ниятидалар. Мазкур маълумотлар фақат халқ таълими бўлимига тегишли эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Шаҳарда ўз ҳисоб рақамига эга ўқув даргоҳлари кўп. Улар маркетинг ва таълимни илмий асосда ёнма-ён олиб боришаяпти. Мисол учун, 1-иқтидорли болалар гимназияси Қувасой шаҳри марказида жойлашган. Уларда, табиийки, деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти йўқ. Шу боис жамоа қўшимча маблағ топишнинг ўзига хос, яъни тўғридан-тўғри мақсадга йўналтирилган усулини қўллашаяпти. Яъни, бу ерда педагогик сервис хизмати кенг миқёсда ташкил этилди. Компьютер ўргатиш ва шу орқали буюртма бажариш, репититорлик курси, болаларни мактабга тайёрлаш маркази, қўшимча тарзда ўқитиш кабилар орқали мўмайгина даромад топиш мумкинлигини жамоа амалда исботлади. Бундан ташқари, гимназияда йилига 45 минг тагача гул етиштириб сотилаяпти, ўйинчоқлар, қўғирчоқлар ясалаяпти. Ҳозир уларнинг махсус ҳисоб рақамида ишлатилганидан ташқари 430 минг сўм бор. Гимназияда жорий йилда 1 млн. 400 минг сўм топишни режалаштиришган.

Шуни ҳам айтиш керакки, тежамкорлик бор жойда даромад жамғармаси ўсиб боради. Ўқув даргоҳи ана шу мақсадда мулк ва меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартирди. Ҳар бир боланинг онгига бу жиҳоз менинки, уни авайлашим керак, улар мендан кейингиларга ҳам хизмат қилиши керак, деган тушунча сингдирилди. Натижада гимназия 5 йилдан буён таъмирсиз ишлаяпти. Тежалган маблағлар бошқа фойдали мақсадларга сарфланаяпти.



Семинарнинг иккинчи куни Фарғона шаҳридаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги театр биносининг очиқ майдони ва залларида вилоят миқёсида маркетинг бўйича энг илғорликка эришган мактабларда тайёрланган маҳсулотлар ярмаркаси ташкил этилди. Бу ердаги гўзаллик, ранг-баранглик, маҳсулотлар турли-туманлигини кўриб кишининг кўнгли яйрайди. Ва бу маҳсулотлар бозордагиларга нисбатан анчагина сифатли, арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистон туманидаги боғча опалар ўзбек халқ эртаклари, хорижий мультфильмларнинг қаҳрамонлари бўлмиш қўғирчоқлар ясашибди. Бу ўйинчоқларнинг шакли турлича, улар орасида шапалоқдайидан тортиб, 1-синф ўқувчисининг бўйидек келадигани ҳам бор. Қўғирчоқлар ашула айтади, гапиради, ҳаракатланади.

Марғилон мактабларида тўқилган томчи, хосият, қашқар, шахмат сингари жонон атласлар кўзни қамаштиради. Сотувга қўйилган тоза асаллар тилни ёради. Водийдаги 26-мактабда ясалган девор йиғма мебели эса ҳеч қайси корхонани кидан қолишмайди. Шунингдек, Бувайда туманидаги 48-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Йигитали Деҳқонов «Соғлом авлод йили»га атаб буклаб йиғиладиган саёҳат бешигини ясабди. Мактабда тайёрланган диван махсус мурват орқали бошқарилади. У кўтарилганда шифонерга айланади.

Семинарнинг театр биносида ташкил этилган ялпи йиғилишини вазир Ж. Йўлдошев бошқариб борди. Бу ерда айтилган фикрлар, ўзаро жонли мулоқотлар жараёнида маркетинг хизмати моҳияти, муаммолари ва афзаллик томонларига янада ойдинлик киритилди. Йиғилиш чақиришнинг мақсадларидан бири ҳам мана шу эди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф. Азимов ҳозирги пайтда таълимга раҳбарлик борасида янгича услубга ўтилгани хусусида гапирди. Фарғонада «Халқ таълими куни» эълон қилинган. У ҳар ойда бир марта, навбати билан шаҳар ва туманларда ташкил этилаяпти. Йиғилишда тўпланиб қолган муаммолар ўрганилаяпти ва ўша ернинг ўзида ечимини топаяпти. Ҳамма гап шундаки, кўчма мажлисда вилоят раҳбарлари, халқ таълими муассасалари, оталиқ ташкилотлар вакиллари қатнашадилар. Вилоят бўйича 892 та мактаб ва 105 та мактабдан ташқари муассаса бор. Уларга кейинги йилларда 500 га. ер бўлиб берилди. Хўш, улар ўзини оқлаяптими? — деган савол туғилади. Ҳа, оқлаяпти. Олтиариқдаги 42-мактабнинг 1999 йили фақат ўрикдан 1,5 млн. сўм даромад топгани фикримизга кичкина исботдир.

Вилоят ХТБ бошлиғи Т. Қурбоновнинг таъкидлашича, вилоят бюджетидаги маблағнинг 50 фоизидан ортиғи таълим муассасалари учун сарфланади.

Шунингдек, Қувасой шаҳар ХТБ мудири Р. Холматова, Риштондаги 15-мактаб директори Э. Тўхтабоева ўзлари орттирган тажрибалар ҳақида сўзлаб беришди.

Сўзга чиққан меҳмонлар жойларда бўлиб, кўрган- кечирганлари, таассуротлари ҳақида ўртоқлашдилар. Бўз тумани ХТБ мудири Хумоюн Акбаров Ўзбекистон туманида бўлганида, мактабларнинг бирида лимон, бошқасида гул, сабзавот етиштирилаётгани, тикувчиликнинг кенг йўлга қўйилганига тўхталиб ўтди. Бу ерда диққатга сазовор жиҳат маркетингнинг илмий асосда ташкил этилганидир. Натижада болалар дарсдан чалғимаяптилар. Аксинча, меҳнат уларни касбга йўналтиришда муҳим омил вазифасини ўтаяпти.

Юқорида таълим муассасалари топаётган даромад ҳақида мисоллар келтирдик. Бу маблағ ҳозирги кунлар учун унчалик катта эмасдир. Аммо бунда энг муҳим жиҳат — тизимда маркетингни жадаллаштириш учун поёндоз тўшалди. Озми-кўпми тажриба орттирилди. Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ўзининг якунловчи нутқида ана шулар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди:

—Ёдингизда бўлса, бир вақтлар ўқувчилар бригадалари ташкил этилиб, болалар пахта ишларига, дала юмушларига ҳаддан ортиқ жалб қилинарди. Шундай савол туғилади: биз ўғил-қизларни яна қишлоқ хўжалиги одамларига айлантириб қўймаяпмизми? Агар маркетингга янгича режа, услубда ёндошилса, бунинг олди олинади. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга босқичма-босқич ўтилади. Бунда асосий мақсад болани касбга йўналтириш бўлиб қолаверади. Маркетинг хизматининг асосий вазифаларидан бири ҳам ўқувчиларда 9-синфга қадар ўзлари танлаган касб-ҳунарга оид меҳнат кўникмасини шакллантиришдан иборат. Демак, таълим ва меҳнат узвийлигига илмий ёндашиш орқали ўқувчига амалий билим берилади. Уни касбга йўлланади ва шу қаторда даромад ҳам топилади.

Аввалари таълим муассасасига бюджетдан ва ҳомий ташкилотлар томонидан маблағ ажратиларди. Энди унинг ёнига ички даромад ҳам қўшилди. Булар биргаликда таълим равнақини таъминлашга имкон яратади.

Мана, таълим соҳасида хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш ва маркетинг хизматини жадал йўлга қўйиш борасида юқори ташкилотларнинг қатор қарорлари, буйруқлари эълон қилинди, шунга оид тавсияномалар ишлаб чиқилди. Имтиёзлар берилди. Демак, барча зарурий ҳужжат ва имкониятлар бор. Ишчи кучи ҳам етарли. Эндиги навбат эса илмий асосдаги ижодий меҳнатга.

Абдусамат РАҲИМОВ,
Аваз ҲАЙДАРОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбирлари

Суратларда: семинар-кенгашдан лавҳалар.

ТАРИХ ВА ДАРСЛИК

ЁХУД БУ ҲАҚДА ЎҚИТУВЧИЛАР ФИКРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарсликларнинг ДТСида белгиланган омилларга қанчалик мослиги ҳам аҳамиятлидир. Демак, мавжуд дарсликлар бўйича баҳоли қудрат фикр-мулоҳаза юритиш мумкин. Талаб ва эътирозларни ўрганиш, такомил мезонларини аниқлаш гали етган. Ана шулардан келиб чиқиб, дарсликларнинг муаллифлари, РТМ ходимлари, масъул нашриёт вакилларидан иборат гуруҳ Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги 8-мактабга йўл олишди. Вилоятнинг қатор туманларидан ташриф буюрган тарих фани ўқитувчилари билан давра суҳбати уюштирилди. Мазкур мактаб Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тарих фанини ўқитиш бўйича тажриба-синов майдончасига айлантирилган. Шу боис давра суҳбати айнан шу масканда ўтказилди.

Ушбу йиғинни халқ таълими вазирининг биринчи муовини Й.Саиджонов очиб, сўнг давра суҳбати мавзуси ҳақида гапирди.

— Тарих дарсликларини яратиш ва такомиллаштириш давр талабидир. Президентимизнинг "FIDOKOR" газетаси мухбири саволларига жавобида тарихни билиш ва уни англаш жамият маънавий янгиланишининг ва миллий мафкуранинг туб фалсафий негизини ташкил этишини айтиб ўтди. Бу фикрлар бизни яна бир бор огоҳликка, хушёрликка чорлайди. Миллий ғоя ва миллий мафкура тарихимиз билан чамбарчас боғлиқ экан, биз яратаётган дастурларни ана шу мезонлар асосида кўриб чиқишимиз зарур. Юртбошимиз илгари сурган ғоялар дарсликларда ўз ифодасини топиши лозим. Мен дарсликларнинг миллий тарихимиз, миллий ўзлигимизнинг ёрқин ифодаси бўлишини, ўқувчи учун академик усулда эмас, оддий, тушунарли тарзда бўлишини ва энг асосийси ўқувчида янада билим олишда иштиёқни ўстиришга хизмат қилишини таъминлашимиз зарур.

АКАДЕМИК УСУЛДАН ҚАЧОН ВОЗ КЕЧАМИЗ?

Тарих фани дарсликлари бўйича туман мактабларидан йиғилган ўқитувчилар очиқ, самимий муносабатини билдирдилар. Ўрта Чирчиқ туманидаги 32-мактаб тарих фани ўқитувчиси Шоҳида Нурматова дарсликлар хусусида шундай деди.

— Тарих фани дарсликларни яратишда муаллифларнинг хизмати алоҳида эътиборга моликдир. Нашрлар анча муваффақиятли чиққан. Масалан, 6-синф тарих дарслиги ўқувчилар учун тушунарли, манбаларга бой ва мазмунли қилиб берилган. Шу билан бирга баъзи камчиликларни айтиб ўтмоқчиман. 5-синф тарих китоби мураккаброқ тилда ёзилган. Жаҳон тарихи эса етиб келмаган. Ўзбекистон тарихида илмий терминлар, изоҳталаб сўзлар кўп. Бу ўқувчилар учун тушунарсиздир. 7-синф китобида эса тарихий воқеалар талқинида ноаниқликлар, мавҳумликлар бор. Қаҳрамонлар хусусида сўз юритилганда, икки хил маълумотлар учрайди. Агар китобда аниқ маълумотлар ва тафсилотлар бўлмаса, ўқувчи чалғиб қолади. 10-синф тарих китоби жуда мураккаб, академик усулида ёзилган. Бу эса ўқувчининг ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади.

— 6-синф тарих китоби юқорида таъкидланганидек тушунарли ва тарихий воқеаларга бой тарзда нашр этилган. Бироқ, тест саволжавобларида хатоликларга йўл қўйилган, - деди Пскент туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси Шоира Жўраева. Худди шу фикрни давом эттириб, ўқитувчи Гулнора Салимова 10-синф тарих китобини қизиқарли ёзилмаганлигини таъкидлади. Бекобод шаҳар 1-мактаб ўқитувчиси Лариса Нуриддинова ўз фикрларини шундай баён этди.

— Дарсликларда ўқувчини мустақил ишлашга, фикрлашга ундовчи муаммоли топшириқ-машқлар кўпроқ бўлса яхши бўларди. Қолаверса, китоб ёзишда академик усулдан қочиш керак. Мавзу ҳар жиҳатдан ўқувчига тушунарли, мазмунан бой бўлиши лозим.

Бизни қийнаётган муаммолардан яна бири рус, тожик ва бошқа тиллардаги адабиётларнинг камлигидир. Бундан нафақат биз, балки ўқувчилар ҳам зарур маълумотларга эга бўлмай қолади.

Дарҳақиқат, Лариса Нуриддинованинг куюниб айтганича бор. Бу фикрни шу ерга йиғилган ўқитувчилардан ташқари вазир муовини Й. Саиджонов ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиб, бу борадаги режалари билан йиғилганларни хабардор этди. Шунингдек, дарсликлар борасида бошқа ўқитувчилар ҳам фикр билдиришди.

МУАЛЛИФЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Тан олиб айтиш керакки, бу жараён устида ишлаш осон эмас. Тарихда мавжуд далил ва воқеалар, тафсилотларни ва улар замиридаги маъно ва мафкурани ўқувчи тилига мослаб, ҳам билим иштиёқини шакллантишини кўзлаб, тарғиб қилиш фидойиликни талаб этади. Бирданига мукаммал дарсликни яратиш мушкуллиги барчага аён. Бу жараён кўп меҳнат ва қайта нашрларни ўз ичига олади. Шундай бўлса-да, ДТС қабул қилинганидан сўнг, қисқа вақтда бир нечта дарслик дунё юзини кўрди. Бошқача айтганда, ўрта таълим мактабларида тарих фани дарсликлари яратилди. Бироқ, улар камчиликлардан ҳоли эмас, уларни такомиллаштириш керак.

Таклиф ва эътирозларни инобатга оламиз, дейишди муаллифлар. Хатолар тан олинди. Келгусида қилинадиган ишлар белгиланди. Зарур тавсия ва кўрсатмалар ҳам берилди. Лекин...

Масаланинг яна бир томони бор. Таълим-тарбия жараёнида нафақат дарсликлар мазмуни, балки ўқитувчилар масъулиятини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бугунги информацияларга бой ва тез ўзгарувчан дунёда ўқувчи қизиқишини таъминлашда дарсликлар ҳамма вақт асқотавермайди. Шундай пайтларда ўқитувчи дарслик билан чекланмай, ижодий фаолият кўрсатиши лозим. Ўқитувчи ўқувчининг таълим, фанга бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан бирга ундаги маънавий ва мафкуравий бўшлиқни ҳам тўлдириши керак.

АНГЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

Президентимизнинг "FIDOKOR" газетаси мухбири саволларига жавобида жамиятнинг маънавий янгиланиши ҳақида сўз юритиб, ундан кўзланган мақсадлардан бири комил инсонни тарбиялаш масаласи эканлигини айтиб ўтди. Бу жамиятимизнинг ҳамма қатламларига тегишлидир. Лекин Юртбошимиз ёш авлод хусусида алоҳида гапириб, янгиланаётган жамиятимизнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга уни содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш, бу борада махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратиш зарурлигини уқтирдилар.

Бу масалага алоҳида урғу берилаётганлиги бежиз эмас. Мафкура ва ҳаққоний тарихни тезроқ ёшларимиз онгида шакллантиришимиз лозим.Тўғри, мукаммал дарсликлар яратиш учун, балки фурсат керакдир. Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган давр ҳар қандай ижтимоий қатламга ўз таъсирини кўрсатади. Уларни меъёрлаш, аниқ дастурлар вақт, меҳнатни талаб этар, аммо бугунги ўсиб келаётган, эртанги ўрнимизни эгаллайдиган авлод тарбиясига бу каби муносабатда бўлсак, мақсадларимизга зид келмайдими? Зеро, таълим ва тарбияни кечиктириб бўлмайди. Тарбия миллатнинг, Ватаннинг тақдирини ҳал қилади. Юртбошимизнинг урғу бериб сўзлашларидан англанган ҳақиқат шу эмасми?

Ҳаракат қилган хато қилади, деган нақл бор. Бу хатони эмас, ҳаракатни тан олиб, уни қувватлаб айтилган гап. Биз ҳам муаллифларга шундай деймиз. Иккинчи томондан эса, бундай зарур ва жиддий ишга яна бир бор синчковлик ва мулоҳазакорлик талаб этилишини айтиб ўтмоқчимиз. Акс ҳолда ўқувчи чалғиши мумкин.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат" мухбири

Muammo

"ДУРДОНА" КИТОБИ БИР ДОНАДИР

Китоб — катта-кичикнинг фикрини чархлаб, яхшилик сари етакловчи омил. Айниқса, ҳаётда эндигина оқ-қорани ажратаётган фарзандларимизга яхши китобларнинг ўзи бир оламдир. Китоб билан дўст бўлса, демак боладаги билимга интилиш кун сайин яроқ ёзади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаби ҳам болалардаги эркинлик ва мустақилликка кўпроқ эътиборли томони билан мураббийлар ва ўқитувчиларга маъкул тушгани сир эмас.

Аммо уларни қийнаётган бир муаммо ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Истиқлол руҳида тарбия олаётган кичкинтойлар фақат китоблар туфайли оддийликдан мураккаблик сари интиладилар. Болалар қалбида ҳар бир китоб бир олам дейилганидек, бугунги кунда китоб муаммоси ҳам жиддий бахсларга сабаб бўлмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги 504-болалар боғчасининг тажрибали тарбиячиси Минаввара Сирожиддинова билан суҳбатимиз айнан шу мазмунда бўлди.

—Катта гуруҳларда болалар энди ўйинчоқлардан кўра, эртаклар олами, ҳикоялар, шеърлар, улуғ боболаримиз ҳақидаги сир-асрорли воқеаларни ёқтиришади, — дейди олий тоифали тарбиячи М.Сирожиддинова. — Бундай китоблар ҳозирданоқ болаларни савол-жавоб қилишга ўргатади. Боғчадаги китоб жавонлари ўрнида тарбиячилар томонидан маҳорат билан тайёрланган юмшоқ ўйинчоқларни кўриб, завқ оласизу бироқ... Керакли китоб етишмаслиги сабаб бир қанча муаммолар ҳам туғилмоқда. Айниқса, "Чўлпон" нашриётида 1995 йилда чоп этилган Замира Иброҳимова томонидан тузилган "Дурдона" китоби ҳар томонлама дастурдаги қўлланмалар учун мос келар экан. Афсуски, ушбу китоб етишмаслиги сабаб, қўлма-қўлдир. "Дурдона" китоби улар учун ҳамон бир донадир. Унинг тарбиячиларга маъқуллиги шундаки, янги дастуримизга тўла жавоб бера олади. Яна бир фикр. Ушбу китоб янада сайқалланиб, сифатлироқ ва янги мавзулар билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Дарҳақиқат, китоб ўқиш, ўрганиш билан фарзандларимиз доимо эзгуликка қадам қўяди. Тарихни, келажакни, урф-одатлар ва қадриятларни китоблар орқалигина ўрганадилар. Бу фикрни фақат мен эмас, республика Таълим маркази услубчилари мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Қанийди, боғча болалар дидига мос, янги-янги китоблар билан тўлса... Бу борадаги яхши ишлар фарзандлар камоли йўлида қилинаётган энг эзгу ишлардан бири бўлар эди.

Маъмура МАДРАҲИМОВА

МИЛЛИОНЕР МАКТАБ

Самарқанд вилоятида мактабларга ёрдам беришнинг янги усулига қўл уришди. Пойариқ тумани «Пахтакор» жамоа хўжалигидаги 15-ўрта мактабда вилоят маданият ишлари ҳамда халқ таълими бошқармалари ҳамкорликда хайрия концерти уюштирди. Ундан тушган маблағ мактабнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилди.

Концерт пайтида «Пахтакор» жамоа хўжалиги ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси мактабга беш юз минг сўмдан маблағ ажратганини маълум қилди. Бу маблағ ҳам мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спорт ва соғломлаштириш ишларини кучайтириш, ўқувчиларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

У. РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири

Istiqlolim — iqbolim

ЯНГИЧА ТАФАККУР ИМКОНИЯТИ

Бугунги маънавий янгиланиш кадрлар тайёрлашга боғлиқ экан, кадрлар тайёрлашнинг тақдири эса кўп жиҳатдан ўқитувчи муаллимга боғлиқдир. Муаллим устоз демакдир. У ёш авлодни вояга етказувчи, уларга ҳар томонлама ижобий ўрнак ва намуна бўлиши лозим.

Биз ўқитувчилар яқин кунгача педагогика фақат илм ўргатиши керак, бошқа нарсага аралашмаслиги керак деб ҳисоблардик. Бугун англаяпмизки, педагогика — жамият ғоялари орқасидан эргашмаслиги, балки жамиятни етаклаши керак.

Кечаги педагогика фақат ўқитишга асосланган эди. У ўқитаман, тарбия қиламан, деган педагогика эди. Бугунги педагогика янгича тафаккурга асосланади. Янгича тафаккур эса фақат ўқитишга, тарбиялашга эмас, ўқувчини ўзи излаб ўқийдиган, тарбиялайдиган муҳитни ҳосил қилишга сафарбар этади. Кечаги педагогика бола тарбияланадиган объект эди, бугун эса у таълим жараёнининг ҳам объекти, ҳам субъектига айланди.

Муаллимлар турлича бўладилар. Кийиб юрган кийимлари ифлос, дазмолланмаган ёки ялтироқ кийимлар, кўзни қамаштирадиган тақинчоқлар таққан, бироқ дунёқараши тор, ўзи муаллим бўла туриб, кўпол, маънавиятсиз, маълумоти саёз ўқитувчиларни устоз деб аташга болаларни мажбур этамиз. Бу мўътабар сўзнинг асл маъноси нима ўзи? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзга касб-ҳунар, илм ўргатувчи, ўқитувчи, муаллим, йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи, мураббий, раҳнамо... каби таснифлар берилган.

Баъзи ўқитувчиларнинг билим савиясининг саёзлиги — янги адабиёт ва ахборот базаси воситаларидан четда қолиб кетаётганидадир. Умумий таълим тизимида таълим жараёнининг икки субъекти — ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқлиги, ўқувчининг ўқитувчи томонидан берилаётган билимининг объекти тарзида баҳолаш ёшларнинг психологиясида шакланиши учун мавжуд муҳит тўсқинлик қилмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда эркин фикрлаш даражасининг сустлиги, демократик қадриятлар, гуманон-ҳуқуқлар каби тушунчалар моҳиятини тўла англамаслик билан бирга ижтимоий қўрқув асоратларидан холи бўлмай қолишлари, боқимандалик ва лаёқатсизлик каби эски ижтимоий сарқитларнинг ҳозиргача ёшлар онгида яшаб келишига ва дунёқарашининг торлигича қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мустақиллик шарофати билан Ватан, миллат, давлат олдида масъуллик, маънавиятга интилиш, шахсий фикрга эга бўлиш аждодларимиздан ўтиб келаётган фазилатлар қайта тиклана бошланди. Ўқувчи кўпчилик фикрига зид фикрни асослашга интилса, баҳсга киришса, муаллим мамнун бўлиб, баҳс маданиятини тарбиясин. Аксини эмас.

Давр бизнинг олдимизга улкан ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни юксак даражада адо этиш учун муаллим ўз устида тинимсиз изланиши, фидойилик намунасини кўрсатиши зарур. Муаллимлар камолоти авлодлар камолоти эканлигини унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Шундагина миллат фарзандлари улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўлиб етишадилар, юртимизнинг буюк истиқболини таъминлайдилар.

Биз ўқитувчилар мевали дарахтнинг шохини кесмаслигимиз, балки шохга тиргак қўйишимиз лозим. Самандар-Термизий айтганидек, "Агар ҳар ким ёшлигидан беодоб кишилар ичида ўсиб катта бўлса, унинг ичидан бадфеъллик иллатини чиқариб ташлаш қийин бўлади". Ёшларни тарбиялаш мавсумий иш эмас, балки қадам-бақадам амалга оширилиадиган доимий жараёндир. Бу борада асло танаффус бўлиши мумкин эмас. Бу тўғрида А.Авлоний шундай деган эди: **"Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бир оз тарбия бўлсада, иккинчи боғланган жон тан кабидир, чунки дарс олувчи билувчи, тарбия олувчи амал қилувчи демакдир".**

Раимқул ТЎРАЕВ,
Термиз шаҳридаги 13-ўрта мактаб директори

Ота-онадан олган тарбияни бола мактабда такомиллаштиради, иккинчи маънавий ота ёки она қўлида вояга етади, улғаяди, унда мустақил фикрлаш қобилияти юзага келади.

Бундан бир неча юз йиллар илгариги кўзачалар, аёлларнинг қадимги тақинчоқлари, турмушда ишлатилган қадимги идишлар, шунингдек бошқа бир қанча тарихий ёдгорликларнинг намуналари ҳам мактаб музейидан ўрин олган.

МАКТАБДА МУЗЕЙ ВА ЖОНЛИ БУРЧАК

Ангрен шаҳридаги 13-ўрта мактаб шаҳардаги энг пешқадам билим даргоҳларидан бири ҳисобланади. 1220 нафардан ортиқ ёшлар таълим оладиган бу тарбия маскани кўпдан бери болаларнинг экологик билимларини бойитишга йўналтирилган бўлиб, бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Жумладан, атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилаш, шаҳар ободончилиги учун самарали ишлар қилиш мактаб ўқувчиларининг кундалик фаолиятига айланиб қолган.

— Ҳар йили ўқувчиларимиз шаҳардаги экологик муҳитни яхшилаш учун мактабимиз жойлашган мавзедаги кўчалар, йўл ёқалари ва даҳалардаги бўш жойларга мевали ва манзарали дарахт, гул ва бошқа кўчатлар экишади, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Маҳфузахон Низомова. — Фақат шу йилнинг ўзида ўқувчилар кучи билан шаҳардаги барча хиёбонлар, кўчалар ҳамда ариқларнинг ёқаларига минг тупдан ортиқ гул ва мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ўқувчилар ўзлари эккан кўчатларнинг парваришини ҳатто ёзги таътил пайтларида ҳам сусайтирмайдилар. Улар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, ёз пайтларида ҳам кўчатларни суғориш, остларини чопиш, бегона ўтлардан тозалаш ишларига астойдил киришганлар.

Булардан ташқари, мактабнинг маънавият ва тарбия ишлари бўйича директор муовини Ўрозгул Мусурмонова бошчилигида мактабда ихчамгина музей ташкил этилган. Музейда Ангрен ва Оҳангарон воҳасида қазиб чиқарилаётган ер ости бойликларининг намуналари, қадимдан қолган тарихий ёдгорликлар намуналари ҳамда воҳа кишиларининг эрамиздан аввалги ҳаётини акс эттирувчи тарихий обидалар макетлари бор. Бундан бир неча юз йиллар илгариги кўзачалар, аёлларнинг қадимги тақинчоқлари, турмушда ишлатилган қадимги идишлар, шунингдек бошқа бир қанча тарихий ёдгорликларнинг намуналари ҳам мактаб музейидан ўрин олган. Улардан ўқитувчилар дарс жараёнида ҳам фойдаланадилар. Маълумки, Ангрен шаҳрининг ёнгинасида бўлган Боғисурх қишлоғидан эрамиздан аввалги 3 асрда яшаган одамларнинг иш қуроллари топилган ва у қуроллар ҳозир Санкт-Петербургда сақланмоқда. Мактаб маъмурияти Санкт-Петербургга хат йўллашиб, ўша ноёб ёдгорликларнинг фото нусхасини олишга ҳаракат қилишмоқда.

Булардан ташқари мактабда жонли бурчак ҳам ташкил этилган. Ўқувчиларнинг ўз кучлари билан ташкил этилган жонли бурчакда товус, қирғовул, каклик ва бошқа ноёб қушлар ҳам парвариш қилинмоқда. Мактабнинг жонли бурчагини янада кенгайтириш чоралари кўрилган. Мактабдаги музей ва жонли бурчакни ташкил этишда Фурқат Турғунов, Дилмурод Нурматов, Бахтигул Доданова, Нигина Назарова сингари 6-синфнинг ўқувчилари алоҳида ўрнак кўрсатишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, соғлом авлодни тарбиялаш йилида ушбу мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига амалий ёрдамлар ҳам тез-тез уюштириб турилади. Болаларга моддий ёрдам кўрсатишда шаҳардаги "Ўзбекрезинатехника", Картон ишлаб чиқариш корхонаси ва ота-оналар қўмитаси амалий ёрдам кўрсатади.

Ҳозирги кунда мактабда гилам тўқиш цехи очиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Гилам тўқиш бўйича мутахассис Гулбаҳор Суярова мактабнинг 7-синфларида ўқийдиган ўндан ортиқ қизларни танлаб олиб, уларга гилам тўқиш ускуналарида ишлаш, хавфсизлик воситалари, матоларни бўяш сирларини ўргатаётир. Яқин кунларда Ангрендаги 13-ўрта мактабнинг ўз гилам тўқиш цехи ишга туширилади.

Мўмин ҚАЮМ,
журналист

Taklif

МУТОЛАА – МАЪНАВИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Республикадаги барча мактаб ўқувчилари ўртасида ҳар йили фанлар бўйича ўтказиб келинаётган олимпиадалар истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни ўз навбатида рағбатлантиришга маълум даражада кўмаклашади.

Агар ҳар бир ўқувчи ёшлигидан бошлабоқ бадиий китобларни кўп ўқиса, кундан-кунга онги ўзгариб боради. Шуни эътиборга олиб, китобхонлик бўйича ҳар бир синфда олимпиада ўтказишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки кейинги йиллар ичида ёшларимизнинг бадиий асарларни ўқиши сусаяётгандай бўлаяпти.

Бу олимпиада бошқа фанлар қатори 1, 2, 3 ва ҳоказо турлардан иборат бўлади. Бунда иштирок этаётган ўқувчи ўқиб чиққан бадиий адабиётлар рўйхатини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этиши зарур. Бешта ёки ундан ортиқ кишидан иборат ҳайъат аъзоларининг ҳар бири ўқувчига ўқиб чиққан китоблари бўйича биттадан савол беради. Ўқувчининг ўша асарга ёки асар қаҳрамонларига бўлган муносабатини сўрайди. Ўқувчи эса жавобини ёзиб топширади. Ҳар бир ҳакам ўзининг фикрини билдиради ва алоҳида баҳо қўяди. Ҳамма турлар ушбу тартибда ташкил этилса, яхши натижа берган бўларди.

Юқоридаги услубда "Китобхон" олимпиадасини ўтказиб, вилоятларда биринчи ўринларни эгаллаган, энг кўп бадиий асар ўқиган ўқувчилар, айниқса, битирувчи синфлардан бўлса республикамиздаги олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилишни йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблайман. Чунки кўп асар ўқийдиган ўқувчи ўз-ўзидан олий ўқув юртига кириш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлиб қолади. Бунда бошқа синфларда ўқийдиган ўқувчиларда ҳам китоб ўқиш истаги ортиб боради.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги "Дўстлик" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

ЯКДИЛ ХУЛОСАГА КЕЛИНДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида Халқаро Қизил Хоч жамияти ваколатхонасининг Ўзбекистондаги вакиллари иштирокида «Фавқулодда ҳолатда журналистика» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумандан кўзланган мақсад осойишталикни сақлаш, табиатнинг турли ҳалокатли ҳодисаларига бепарво бўлмаслик, бирор хавф туғилганда ҳамжиҳатликда иш бажариш, шунингдек мураккаб вазиятларда журналист фаолияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўзаро фикр- мулоҳаза алмашиш эди.

Анжуманда факультет ўқитувчи ва талабалари, Халқаро Қизил Хоч жамиятининг Ўзбекистондаги вакиллари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Қорақалпоғистон Давлат университетидан вакиллар қатнашди.

Анжуман сўнгида иштирокчилар яқдил хулосага келишди: ҳар бир баҳс-мунозаранинг ўрни бор, аммо фавқулодда ҳодисаларга барча бирдек маъсул бўлмоғи керак.

Насриддин БОТИР

Xayr bog'cha, salom maktab!

МАКТАБ — БОЛА ҮЧҮН МҮҚАДДАС ТҮШҮНЧА

Кенг ва ёруғ зал ҳар хил расмлар, ранг-баранг шар ва турфа гуллар билан безатилган. Саҳна тепасига катта ҳарфлар билан «Хайр, боғча, салом мактаб!» сўзлари ёзиб қўйилган.

Тажрибали мусиқа раҳбари Мавлуда Икромова пианинода куй чала бошлади. Чиройли, ранг-баранг кийинган тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари бирин-кетин залга кириб келишди. Уларни бувилари, оналари, опалари ҳамда услубчи тарбиячилар, ҳамшира ва ошпаз опалари олқишлаб кутиб олдилар.

Шундан кейин болалар «Етти ёшлилар» қўшиғи билан «Хайр, боғча, салом мактаб!» мавзуига бағишланган байрам шодиёнасини бошлаб бердилар.

Умар Иброҳимов, Шоҳруҳ Олимжонов, Захро Тожиева каби тарбияланувчилар «Алифбе» ва мактаб ҳақида шеърлар айтиб, «Ким эпчилу, ким чаққон?» мусобақасида иштирок этдилар. Бир гуруҳ ёш спортчилар гимнастика рақсини, Мухлиса Тошпўлатова ҳамда Мухлиса Эргашевалар «Шўх қизлар» рақсини ижро этдилар.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 299-«Камалак» болалар боғчасида 26 нафар тарбияланувчи жорий йилда мактабга пухта тайёрланди. Йил давомида дилбандлар лотин алифбосини, математикадан қўшиш ва айришга доир мисол ва масалалар ечимини, катта ва кичик белгиларни, расм чизишда етти хил рангларни ишлатишни ўзлаштирдилар. Шунингдек, улар жисмоний тарбия тўгарагида ҳам фаол қатнашиб, муқаддас даргоҳ — мактабда ўқишга шайдирлар.

Шодиёна мурғак қалбларнинг «Ватан ҳақида»ги қўшиғи билан ниҳоясига етди. Анжуманда ота-оналар қўмитаси раиси Гўзал Хўжаева битирувчи болажонларга эсдалик совғалари топширди.

Суратларда: 299-«Камалак» болалар боғчасида бўлиб ўтган «Хайр, боғча, салом мактаб!» байрамидан лавҳалар акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

УЧРАШУВ

Яқинда Тошкент қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида талаба ёшларнинг таниқли адиб Тоҳир Малик билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда ёзувчи Тоҳир Малик ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Унда барча қатнашчилар адибнинг болалик хотиралари билан яқиндан танишдилар. Айниқса, "Шайтанат" асари борасида талабалар томонидан саволлар берилиши олдиндан табиий бир ҳол эканлиги маълум эди.

Шу номли асар ва фильм ҳақидаги суҳбат тадбирнинг анча мазмунли ўтишини таъминлади. Учрашув талаба-ёшлар кутганидек таассуротга жуда бой бўлди.

Шоди ОТАМУРОДОВ

Saxovat

ГУРЛАНЛИК ҲИММАТПАРВАРЛАР

Хоразм вилояти Гурлан туманида халқ таълими ишига, ёш авлод тарбиясига ўзларининг беминнат ёрдамларини бераётган ҳомий ташкилотлар сони кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир.

Шуни айтиш лозимки, ўтган ўқув йилида ёрдамга муҳтож ўқувчиларга дарсликлар сотиб олиш учун туман хўжаликлари туман халқ таълими бўлимига бир миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказиб берганди. Бу пул эвазига 2450 ўқувчи 18015 дона турли хил дарсликлар билан таъминланди. Бунда, айниқса, "Гулистон", "Намуна", "Амударё", "Янгиобод" жамоа хўжаликларининг ҳиссаси сезиларли бўлди. Жумладан, ўз ҳудудидаги моддий ёрдамга муҳтож оила фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш мақсадида "Намуна" жамоа хўжалигидаги филиали раҳбари Давронбек Бобониёзов 35 минг сўмлик ёрдам кўрсатди.

"Янгиобод" жамоа хўжалигида 3 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Жамоа хўжалиги уларнинг ишига кўмакдош, елкадош бўлмоқда. Жамоа хўжалиги раиси Қ.Қўзибоевнинг ташаббуси билан кам даромадли оилаларнинг фарзандларига 55 минг сўмликдан зиёд ўқув қуроллари бепул ҳадя этилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

2000 yil — Sog'lom avlod yili

БОЛАНИНГ ҚОРНИНИ ТЎҚ, УСТИНИ БУТ ҚИЛИШ ОСОН...

Инсоният пайдо бўлибдики, ўз авлодлари тарбиясига пайғамбарлар, авлиёлар, шоҳ амир, уламою фузало, ота-она, мадраса, институт, университет, деҳқону косиб — ҳамма жон куйдириб келган. Пайғамбаримизнинг ҳадис-шарифларида ҳам ёш авлод тарбиясига катта аҳамият берилган. Чунки келгуси ҳаёт, халқ, жамият тақдири, дунё осойишталиги ана шу авлод қўлидадир.

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк кунлариданоқ соғлом авлод тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ёш авлод, келгуси авлод сўзларидан кўра соғлом сўзига алоҳида урғу берилди ва бу тарбиямиз шиорига айланди. Секин-аста одамлар бу сўзнинг туб маъносини тушуна бошладилар. Юртбошимиз 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилди. Соғлом авлод бу фақат жисмоний соғлом деган сўз эмас. Соғлом авлодни тарбиялаш анча мушкул ва масъулиятли вазифа. Фарзанд иймонли, диёнатли, эътиқодли, инсофли, ҳалол-ҳаромни фарқ қиладиган, саховатли, камтар, инсонпарвар, она юрти, халқи учун жонкуяр, ватанпарвар, фидокор, садоқатли бўлсагина, у соғлом авлод бўлиб яшайди.

Бу масалага Қуръони Каримда, пайғамбаримиз ҳадисларида қандай қаралган? Қуръони каримда Аллоҳ таоло "Молмулк ва фарзандлар бу дунёнинг зийнати" деган («Каҳф» сураси, 46-оят). Оллоҳ фарзандни "Бу дунёнинг зийнати" деб атар экан, тарбия ва тўғри йўлда юриш (истиқомад)ни кўп мақтаган. «Аҳқоф» сурасининг 13-оятида "Албатта Оллоҳ бизнинг тарбиячимиз деганлар ҳамда истиқомадда давом этганларга ҳеч қандай хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмайдилар", дейилган. Яхши ахлоқ ва одоб ҳақида жуда кўп ҳадислар мавжуд: "Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, муомалада одамларга хулқингиз чиройли бўлсин", "Ҳаёли киши иймонлидир", "Иймонлилар жаннатидир", "Мунофиқнинг белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш", "Отага итоат, Оллоҳга итоат қилишдир".

Қадимдан муҳим, ҳаётий, ахлоқий-тарбиявий масала, муаммо бўлиб келган соғлом авлодни тарбиялаш бирор жамоа ёки тузумда мукаммал ҳал этилдими? Албатта, йўқ! Чунки Оллоҳ одамни тупроқдан яратиш билан бирга шайтонни ҳам ўтдан яратиб қўйди ва бу махлуқ Одам авлоди билан доим ёнма-ён. Шу билан бирга нур ва зулмат, илм ва жаҳолат, яхшилик ва ёмонлик, буюклик ва тубанлик, адолат ва зулм, ҳалол ва ҳаром, поклик ва нопоклик, ахлоқ ва ахлоқсизлик, одоб ва одобсизлик, камтарлик ва кибрлик, хурсандлик ва мусибат, сахийлик ва бахиллик, бойлик ва камбағаллик каби инсон учун ижобий ва салбий воқеа ва ҳодисалар, хислатлар инсон табиатида ҳамиша ёнма-ён. Салбий хислатларга яна тажовузкорлик, босқинчилик, амалпарастлик, ҳасад, ўғирлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишалик, очкўзлик, иғвогарлик, фирибгарлик, товламачилик, жамият ва инсон ҳаёти учун зарарли бўлган салбий ҳаракатлар (ваҳобийлик, ақидапарастлик, жангарилик каби)ни қўшсак, жамиятқилиш инсоний бурчдир. Хўш, агар ота-онанинг ўзида тарбия йўқ бўлса, ота иймонсиз, жоҳил, нодон, ичувчи, порахўр, ўғри, товламачи бўлса, она ҳам шундай хислатлардан холи бўлмаса, бу мусибатнинг ўзидир. Бундай ота-она фарзандига тарбия беришдан ожиз. Биз мустақилликка эришиб, болаларимизга ўзимизнинг ота-боболаримиздан удум бўлиб қолган инсоний, исломий, шарқона ахлоқ ва тарбияни сингдириш имконига эга бўлдик. Болаларимиз ўз юрти, миллати, халқи тарихини, адабиётини, қадимий урф-одатларини, буюк аллома-сиймоларимиз ҳаёт тарзини, улардан қолган бой маданий меросни билиши, уларнинг ҳикмат ва ўгитларини ўзига сингдириб олиш керак. Ота-онадан олган тарбияни бола мактабда такомиллаштиради, иккинчи маънавий ота ёки она қўлида вояга етади, улғаяди, унда мустақил фикрлаш қобилияти юзага келади. Ота-она ўз фарзандининг юриш-туриши, улфатлари кимлигини зийраклик билан кузатиб бориши, боласида куртак ёзаётган ҳар қандай салбий иллатларга ўз вақтида газак олмасдан, чора-тадбир кўриши, барҳам бериши керак. Чунки "ўтиш даври" деб аталадиган балоғат даври бола тақдирини белгилайди. Бу даврни ўқитувчи-тарбиячилар ҳам унутмаслиги, ихтиёридаги ҳар бир ўқувчининг хулқ-атвори, қилмишидан хабардор бўлиши керак. Бола тарбиясига ота-онадан кейин иккинчи жавобгар ўқитувчидир.

Соғлом авлодни тарбиялаш маҳалладагилар диққат марказида бўлиши ҳам шарт. Битта маҳалладан безори, ўғри, каллакесар, гиёҳванд ёки ичкиликбоз чиқса, ўша маҳалла аҳли учун иснод. Бу жиноятчи ҳақида эшитсак, дарров "Бу кимнинг ўғли экан, қайси маҳаллалик ёки қайси қишлоқлик экан?" деб сўраймиз.

Соғлом авлодни тарбиялашда китобнинг аҳамиятини унутмайлик. Китоб беғараз, беминнат, ҳеч нарса талаб қилмайдиган, қаерга олиб борса, бирга юрадиган, адашганни йўлга соладиган, битмас-туганмас хазина, илм-фан, маънавият ва маърифат, ахлоқ-одоб манбаи. Афсуски, кейинги вақтларда китоб савдосига ва уни ёшларга етказиб беришга эътибор сусайиб кетди. Фақат серҳаридор, тез кетадиган китобларни кўплаб нашр этиш, моддий фойда олиш билан овора бўлмоқдалар. Бунинг устига қоғоз танқислиги туфайли китоблар нархи ниҳоятда қиммат бўлиб кетди. Китоб савдоси билан шуғулланадиган муассасалар инқирозга учраб, кўплаб йирик китоб магазинлари беркитилди. Наманганда Машраб кўчасидаги икки қаватли намунали китоб магазини қандайдир ташкилотга бериб юборилди. Шаҳар ҳокимияти рўпарасидаги ва Исфаҳондаги китоб магазинлари бузиб ташланди.

Мустақиллик бизга диний эркинлик берди. Ислом дунёда энг пок, муқаддас диндир. Унинг ҳамма таълимотлари инсонни фақат эзгулик, ҳалоллик, поклик, сахийлик, бир-бирига мурувват, дўстлик, инсонпарварлик каби олийжаноб хислатларга йўллайди. Инсон ҳаётидаги ҳамма салбий иллатлар Исломда қораланган. Бундай тарбия олган оиладан ҳеч қандай ёмон фарзанд чиқмайди.

Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

"Мактуб — ярим дийдор" дейдилар. Таҳририятимизга деярли ҳар куни турли мавзудаги хатлар, хабарлар вилоятимизнинг турли бурчакларидан келиб туради.

Биз ҳар бир хатжилдни очаётиб, бизга умид ва ишонч билан мактуб ёзган мухлисимиздан миннатдор бўламиз.

"Манавият ва қўшимча таълим" бўлимига келган мактубларни таҳлил қилар эканмиз, бу йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинганлиги барча қатори бизнинг мухлисларимизни ҳам қувонтириб, руҳлантирганлигини кузатамиз. Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги 9-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Насибахон Маматқулова "Соғлом авлод яратиш йўлида" номли хабар ёзиб жўнатибди. Унда жумладан шундай сатрлар бор: "Соғлом авлод ... Бир қараганда болаларнинг соғлигини ўйлашимиз керак экан-да, деган фикр хаёлимизга келиб, бу ибора оддий нарсадек туюлади. Лекин бу масалага чуқурроқ ёндошсак, бир қатор ҳал қилишимиз керак бўлган муаммолар келиб чиқади. Энг аввало, ота-оналар соғлигига эришиш, гиёҳвандлик, фоҳишалик каби иллатлар, бунинг оқибатида туғилаётган ногирон болалар тақдирини ўйлашимиз керак бўлади. Мактаб-интернатимизда турли мавзуларда тадбирлар, кечалар ўтказиб, соғлом авлод тарбиялашга озми-кўпми муваффақ бўлаяпмиз". Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 26-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Юлдуз Мамадиёрова соғлом авлод, нафақат жисмоний жиҳатдан кучли, соғлом, бакувват, балки ақлий, руҳий, яна ҳам муҳимроғи яхши тарбияли авлод бўлиши кераклиги ҳақида ёзибди:

"YII "В" синфда 26 нафар ўқувчи бор. 2 нафар ўқувчининг тарбияси сал оғир эди. Бу икки бола билмай ўғирлик қиларди, шўх, яхши ўқимасди. Биласизми, Оллоҳ инсонга барча фазилат ва қобилиятларни ато этган, фақат ундаги ўша қобилиятни уйғотиш керак. Ўша болаларга яхши гапира бошладим. Қўлидан нима иш келса, ўшани бажаришини топширдим. Э.нинг отаси уста бўлганлиги учун у дарахт шохларидан қошиқ, капгир, чўмич ясай бошлади. Ҳар ҳафтада тарбия соатларини ўтказиб, уларни тинмай мақтайвердим. Бир куни иккинчи ўқувчим А. менга қоғоз ташлаб кетди. Очсам хат экан. "Сиз онамдай тарбия бердингиз, раҳмат. Мени ёмон дейишса ишонманг", деб ёзибди. Бу сўзлар билан мақтанмоқчи эмасман, асло. Фақат бола кўнглига йўл топишни хоҳласангиз, истагингизга эришар экансиз".

Самарқанд шаҳри Темирйўл туманидаги 50-мактаб ўқитувчиси У.Раупова "Қадриятлар учқуни ёшлар қалбида алангалансин" мақоласида ёш авлод тарбиясида азалий қадриятларимиз, урф-одатларимиз муҳим ўрин тутишини айтиб ўтади.

"Азалий қадриятлар ғоясини ёш авлод дунёқарашига сингдириб бориш бошланғич синф, шунингдек мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, қоларверса, барча фан ўқитувчиларининг диққат марказида бўлиши керак. Мен "Ўқувчи одоби" дастурини тузиб чиқдим. Дастурда шундай жумлалар бор. "Ота-боболарнинг, аждодларнинг муқаддас таълимотлар, ўгитларини, панд-насиҳатларини, урф-одатларини, ахлоқий фазилатларини, меҳнат шароитларини, шунингдек, ҳозирги замон илм-фан асосларини пухта ва мукаммал ўрган" деб ёзади. Бу мулоҳазалар, ўйлаймизки, таълим-тарбия жараёнида фаол иштирок этаётган ҳар бир инсонни қизиқтириши табиий.

ЎзПФИТИ аспиранти Н. Ашуров "Ўқувчилар тарбиясида косибчиликнинг ўрни, миллий қадриятлардан ўқувчиларни тарбиялашда фойдаланиш" ҳақида ёзибди. "Ҳунар эгаллаш, ҳунарли бўлиш бизнинг ота-боболаримиздан етиб келган хусусиятдир. Косибчилик ошланган терилардан зарур пойафзалларни ишлаб чиқарувчи кенг соҳа бўлиб, турли-туман ҳунарлар орасида муҳим ўрин тутади".

Республика ёшларининг "БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуасининг психологи Инобат Мамасолиева ўз мақоласида қўшимча таълимдаги синов майдончаларида ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш ҳақида ёзибди. "БИОЭКОСАН" мажмуасида олиб борилаётган ишлар, турли мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилаётган тажрибалар муаллиф назаридан четда қолмаган.

Хоразм вилояти Шовот туманидаги 16-мактабнинг маданий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Раҳимбой Атабоев "Баркамол инсонни тарбиялашнинг баъзи бир муаммолари" хусусида фикр юритади. "Кексаларнинг сабри мустаҳкам бўлганлиги сабабли боладаги ҳар хил инжиқликларга бардош беради ва ривожланаётган инсоний фазилатларни авайлаб ўстиради. Ҳозирги вақтда ёш оилалар ҳаёт аччиқ-чучугини татимасдан туриб, алоҳида яшашни орзу қилиб қолишади. Натижада ёш оилаларда дунёга келган болалар, айни керакли пайтда, яъни 5 ёшгача оилада бериладиган зурар тарбияни ололмайдилар. Шунинг учун ёш оилаларда эр-хотинлик муносабатлари ва унинг бола тарбиясидаги асосий ўрни тўғрисида ва шунга ўхшаш муаммолар билан шуғулланувчи механизмни яратиш керак, деб ўйлайман", дейди муаллиф куюниб.

Бухоро вилоятида яшовчи Акбар Ҳайдаров Бухоро шаҳридаги 24-махсус кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида қилинаётган ибратли ишлар хусусида ёзиб юборибди.

Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг 3-мактабида фаолият юритаётган бир гуруҳ ўқитувчилар мактабда ўтказилаётган спорт мусобақалари, турли фан кечалари, қизиқарли тадбирлар ҳақида ёзишибди. Уларнинг ёзишларича мактабнинг (ҳозирда собиқ) биринчи директори Эшназар Маҳмудов хотирасига бағишлаб ўтказилган хотира турнири жуда қизиқарли ва оммабоп ўтибди.

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 33-мактабнинг химия фани ўқитувчиси Нозимжон Холматов ўз дил изҳорига "Меҳр булоғи" деб сарлавҳа қўйибди. "Ўқувчи бетоб бўлиб дарсларга қатнашолмаса, ўқитувчи бемор бола ҳолидан хабар олиши оддий ҳол. Лекин муаллимининг бетоблигини эшитиб, уни йўқлаб боришса, ўқитувчи ўз ўқувчиларидан меҳр кўриб, улардан қувват олиб тузалиб кетиши ҳам мумкин экан. Оғир кунларимда ёнимда турган ўқувчиларимнинг тафтидан қувват олдим", дейди Н. Холматов.

Бўлимга келадиган мактубларнинг салмоқли қисмини экология, табиат, атроф-муҳитни мусаффо сақлаш, жониворларни асраб-авайлаш тўғрисида ёзилган хат-хабарлар ташкил қилади.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги "Ёш табиатшунослар" маркази директори Тошмуҳаммад Шайманов "Экология — саломатлик мезони" номли мақоласида марказ қошида фаолият юритаётган экологик, боғдорчилик, гулчилик, табиатшунослик каби йўналишлардаги ишлар хусусида тўхталиб ўтади.

Экология, атроф-муҳитнинг бузилиши ҳақида сўз кетганда ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда қуриб бораётган Орол денгизи келади. "Оролим — дардим" дейди Беруний туманидаги 59-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муяссар Бекимова. Бу ўқувчи Оролнинг ўтмиши, сув сатҳининг турли йиллардаги ҳажми ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб юборибди.

"Инсон қувватланиши учун ейиш, ичишга эҳтиёж сезгани каби, табиат ҳам парваришга, озиқланишга, хуллас инсон эътиборига муҳтождир", дейди Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги лицей ўқувчиси Барнохон Шербоева ўзининг "Экология — бу ҳаёт" мақоласида. Экологик вазият кундан-кун кескинлашиб, дунёнинг глобал муаммосига айланиб қолди. Биз табиатни асраб қолиш учун қурашмасак, ким уни асраб қолади, дея тенгдошларига мурожаат қилади Б. Шербоева.

Таълим-тарбия жараёни бир бутунликни талаб қилади. Тарбиялаб таълим бериш, таълим бериб тарбиялаш жуда муҳимдир.

Одоб-ахлоқ, тарбия тўғрисида ёзилган хатлар ҳам ҳар бир инсоннинг тарбия жараёнига бефарқ эмаслигини кўрсатади ва бу бизни жуда қувонтиради.

Халқаро журналистика факультети талабаси Нилуфар Очилова баъзи йигит-қизларнинг жамоат транспортларида, кўчаларда одоб чегарасидан чиқиб кетишларини, лекин бу тартибсизликларини ўз ота-оналари олдида қилмасликларини ёзади: Нима учун кўчада беҳаё сўзларни баралла айтавершадию бу сўзларни оила даврасида айтмайдилар, бу бегона кишиларга ҳурматсизлик, мукаммал тарбия кўрмаганлик белгиси эмасми?

Фарғона вилояти Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғида яшовчи Йўлдошали Ҳакимов "Ўзлигимизга қайтиш тўғрисида ҳаммага жар соламизу аммо..." деб ёзибди. Бу мухлисимизни ҳам тарбиядаги, айниқса, қизлар тарбиясидаги айрим номақбул ҳиҳатлар ташвишга солар экан.

Хат-хабарларни таҳлил қилар эканмиз, мухлисларимиз таълим-тарбия жараёнига, таълимда юз бераётган ислоҳотлар ва ўзгаришларга бефарқ эмасликларини ҳис қиламиз.

"Маънавият ва қўшимча таълим" бўлими

Maktublardan satrlar

Қараса, скамейкада бошқа бир қиз ғиғлаб ўтирарди. Сашанинг хаёли бўлиниб кетди ва қизга яхшироқ разм солди.

Кўзларимда яшнайди Ватан, Тафаккурим уфққа боғланди.

Yoz — o'tadi (mi?) soz

МАСЪУЛЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўқувчи ёшларни ёзги таътил даврида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига, мактабдан ва синфдан ташқари тадбирларга ҳамда оммавий спорт мусобақаларига жалб қилиш ишларини такомиллаштириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 27-сонли қароридан келиб чиққан ҳолда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш ва унга эътиборни кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини самарали, мазмунли ўтишини, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги қарор қабул қилди.

Қарорда Республика Президенти томонидан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар, жойлардаги халқ таълими бошқарма ва бўлимлари, ҳудуд касаба уюшмаси қўмиталари раҳбарлари, маҳалла қўмиталарини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида юқори самара берадиган туркум тадбирлар ва уларни амалга оширишни таъминлашда жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шуғулланишнинг турли йўлларидан унумли фойдаланиш таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, ота-оналар, маҳалла, ўз-ўзини бошқариш фуқаролар йиғинлари вакилларини жалб қилган ҳолда ҳар бир туман, шаҳар мактабларини атрофлича ўрганиб, спорт заллари ва майдончалари бор мактабларда ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мароқли ўтказишни амалга ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Йил давомида, якшанба куни ва ёзги таътил даврида турли спорт мусобақалари, маданий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказувчи жисмоний тарбия ва фан ўқитувчиларини рағбатлантириш ҳомийлар, ташкилотлар, таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳамда касаба уюшмаси қўмиталари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳар бир туман, шаҳарларда бу тадбирларни ўтказишда таянч мактаблар танлаб олиниб, ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича жадваллар тузиш, ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари навбатчилиги ташкил этилади.

Ўқувчиларнинг ёз ойларидаги таътилини мазмунли ва юқори савияда ташкил этишга вилоят, шаҳар халқ таълими, бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмита раислари шахсан масъуллиги белгилаб қўйилган.

Педагог ходимларга ва ўқувчи-ёшларга яратилган шарт-шароитлар, кутубхоналар, спорт зали ва майдончаларининг ёз ойларида узлуксиз ишлаши учун ташкилий чоралар кўриб чиқиш ва 5 июндан амалий ишлар олиб бориш ҳам қарорда айтиб ўтилган.

Спорт залларини, майдончаларни талаб даражасига келтириш учун ҳашарлар ташкил этиш, уларнинг спорт жиҳозлари билан таъминланиши бюджетдан ташқари тушган маблағлар, ҳомий шахс ва ташкилотлар ҳисобидан амалга ошириш қарор бандларида кўрсатилган.

Ушбу қарор асосида жойларда турли тадбирлар, ибратли ишлар бошлаб юборилди.

Лазокат ТУРИКОВА

Тошкент шаҳридаги 133-мактаб қошида ташкил этилган «Камолон» соғломлаштириш оромгоҳида футбол, шахматшашка, тикиш-бичиш каби турли хил тўгараклар фаолият кўрсатади. Юз ўринга мўлжалланган бу дам олиш масканида болажонлар ёзги таътилни мароқли ва завқли ўтказмоқдалар. Турли кўнгилочар тадбирлар уюштириш оромгоҳ жамоасидан ташаббускорлик ва изланувчанликни талаб этмоқда.

Суратда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳа.
Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ko'ngil bitiklari

. . .

Шўнғидим илм гулбулоғига,
Нафасимда ҳаяжон иси.
Китоб — боғнинг булбулларида
Кўриб севдим ёғду хонишин.

Кўзларимнинг тинч денгизида
Сузиб борар навқирон дунё.
Орзум фаннинг олис изида
Бахт уйини этмоқда бунёд.

Хаёлимни жиловлаб атай,
Умидларим йўлга чоғланди.
Кўзларимда яшнайди Ватан,
Тафаккурим уфққа боғланди.

ЁМҒИР

Осмон болалари
Заминни қучар.
Майсаларда қувноқ табассум.
Шаффоф болалик
тўпланиб югурар сойга.
Янграр КЕЛАЖАК
қўшиқлари.

МАКТАБ ҚЎШИҒИ

Боғрим дарсзор.
Кўнглим болазор
/ҳаёт кўзгуси/
Илмзор
/осмонга нур-ла ўралган/
Юракзор
/Келажакка нон бўлғуси/

ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ

Ўқувчиларимга

Ҳаётга тўқнашиб англадим Сизни.
Ўйин гарчи Сизни севса ҳам.
Иқтидор чақнайди билимингизда.
Бетоблик оромимни азоб
дорига осганда.
Бошимга келдингиз
Орзу қушларидай чуғурлаб —
Ишонч ғунчалади нигоҳимда.
Қучоғингиз шодлик гулига тўлиб.
Бахтни танидингиз
тонгдан илгари.
Болаликка киришим учун,
Истиқлол чойшабига ўралган
ниҳолдай қалбингизни
Эътиқодимга бердингиз
муқаддас китобдай.
Меҳрим ёнди Сизда!
Келажакдаги Ватан
мақсадингизда яшайди.
Кафтингизга экаман... умримни.

Имомқул ЯХШИБОЕВ,
Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги
33-ўрта мактаб муаллими

Xullas...

ФОЖИАДАН САҚЛОВЧИ РАҚАМ

Польшалик тадбиркор Кшиштоф Кишинёвга хизмат сафарига келар экан, нариги дунёга кетишига бир баҳя қолди. Бунга сабаб «666» рақамли енгил автомашинанинг илкис ҳаракати бўлди.

Меҳмон кўчанинг утиш таъқиқланган жойидан югуриб утмоқчи бўлди. Автомашина ҳали узоқда, бемалол улгуриши мумкин. Бироқ у ўтаман дегунча катта тезлик билан келаётган машина пиёда ёнида ҳозир бўлиб, ўзини зўрга тўхтатиб қолди. Шунда Кшиштоф омон қолгани учун оллоҳга шукрона келтирди ва кўзи беихтиёр «666» рақамига тушди. Польшада, умуман бошқа давлатларда ҳам бундай рақамли транспорт воситалари учрамайди. Ва учраган тақдирда ҳам бахт белгиси деб эътироф этилади.

Молдавияда бундай номерлар катта пул эвазига сотилади. Гуёки бир хил сонларнинг кетма-кет келиши бахтсиз тасодифлардан сақлар эмиш.

Бўлиб ўтган воқеа ҳам шунинг исботи шекилли.

ЎЛИМИГА ҚАДАР ҲУКМДОР

Иоанн Павел II фалаж касаллигидан азоб чекмоқда. Бу ҳақда рим-католик черковининг руҳонийси «Журнал дю диманш» мухбирига интервью бера туриб, қуйидагиларни маълум қилган.

Рим папаси илгари спортнинг ашаддий ишқибози эди. Ҳозир эса ўз танасининг асиридир. У узининг куч-қувватини сўнгги нафасига қадар сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Ҳадемай Павел II 80 ёшга тўлади. Ҳукмдорнинг кейинги йилларда соғлиги ёмонлашса-да, унинг ўз постини тарк этишга ҳаққи йўқ, қоида шундай.

Архиепископнинг таъкидлашича, Рим папасининг ўлим тўшагида ётиши унинг давлатни бошқаришига заррача ҳам тўсқинлик қилмайди. У биладики, ўзининг ўлимидан сўнг ҳукмдорлик фарзандларидан бирининг қўлига ўтади.

СТАДИОНДА ОРКЕСТР

Бунақаси ҳали учрамаган. Ҳа, ҳа, ишонаверинг! Очиқ майдонда, тўғрироғи, стадионда уч мингдан зиёд томошабинга Бетховен асарини тортиқ этиш ҳали тарих саҳифасига битилган ҳодиса эмас эди.

Ванкувер симфоник оркестрининг 6452 нафар созандаси стадионга йиғилиб, куй чала бошлаганида, бу ерга тумонат одам йиғилди.

Бетховеннинг «Қувонч қасидаси» янгради. Куймисан — куй! Мусиқа ихлосмандларининг олқиши созандаларни сархуш этди.

ana shunaqa gaplar...

БОЛАЛАРГА ГЎШТ ВА СУТ БЕПУЛ

Соғлом авлод йилида болалардан ҳеч нарсани аямайдиган ҳомийларни республикамизнинг истаган гўшасида топиш мумкин.

"Тахтакўпир" туманидаги "Қўнғироткўл" ширкатлар хўжалигидаги 14-болалар боғчаси мудираси Розия Наврўзбоева биз билан суҳбатда қуйидагиларни ҳикоя қилди:

—Иқтисодий қийинчиликлар туфайли боғчамиз вақтинча ёпилиб қолганди. Ўтган йилдан бошлаб, боғча туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилди ва қайта фаолият кўрсата бошлади.

Замонавий услубда бунёд этилган боғчамизда 75 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Тарбиячиларимиз тажрибали ва серғайрат, ўз ишларини яхши билишади. Шуниси қувончлики, ҳомий ташкилот — "Қўнғироткўл" ширкатлар хўжалиги боғчамиз болакайларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан бепул таъминлаб турибди.

Ғойиб ЁҚУБОВ

МАВСУМ МАЗМУНЛИ ЎТСИН

Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси остида Балиқчи туманидаги Охунбобоев номли болалар оромгоҳида туман ва шаҳар ҳоким ўринбосарлари, касаба уюшмалари қўмиталари раислари, халқ таълими бошқармаси, тиббий, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг раҳбарлари ва болалар оромгоҳларининг раҳбарлари иштирокида болаларнинг ёзги дам олишини ҳар йилгидан мазмунлироқ ўтказишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

"Соғлом авлод йили"даги муҳим тадбирлардан бўлган бу кенгашда ёзги дам олишни ҳар томонлама намунали ўтказиш зарурлиги қайта-қайта таъкидланди.

Ҳозирда вилоят бўйича 30 та оромгоҳ уч сменада иш олиб боради. Уларда аҳолининг 30 мингдан зиёд фарзанди мароқли дам олиши мумкин.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

КЎРГАЗМАДА ТАЛАБАЛАР ИЖОДИ

Беньков номидаги Республика бадиий рассомлик билим юртида Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланиб, буюк рассом номи билан аталаётган Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг «Буюк устод ворислари» деб номланган ҳисобот кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 18 мутахассислик бўйича тасвирий ва амалий санъат намуналари намойиш этилди.

— Кўргазмани ташкил қилишдан асосий мақсад, буюк рассомимиз ворисларининг ижодини кўрсатиш, баҳолаш ва уларни ижодий рўҳлантиришдан иборат, — дейди Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори, академик Саъдулла Абдуллаев.

Шунингдек, кўргазма очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев, Ўзбекистон халқ рассоми Р. Аҳмедовлар сўзга чиқишиб, талабалар ижодига холис баҳо бердилар.

Шерали НИШОНОВ

Sport maydonchasi

ДАСТЛАБКИ ЎЙИНЛАР

Евро — 2000нинг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди: Бельгия—Швеция—2:1, Туркия—Италия—1:2, Франция — Дания — 3:0, Голландия — Чехия — 1:0, Германия — Руминия — 1:1, Португалия — Англия — 3:2. 1-турнинг охирги Испания — Норвегия, Югославия — Словения ўйинлари кеча кечқурун бўлиб ўтган.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Евро — 2000 да энг кўп Англия биринчилигида тўп сураётган футболчилар ўйнашаяпти — 58 та. «Галатасарой» ва «Ювентус» клублари энг кўп — 11 тадан ўйинчисини юборишган. Ўртача ёши — 28,5 бўлган Германия ва Дания «энг қария» терма жамоалардир. Энг қария футболчи — Л. Маттеус (Германия) — 39, энг ёш — И. Касильяс (Испания) — 19 ёш. Энг бўйдор футболчи —Я. Коллер (Чехия) — 203 см. Энг бўйи паст — Т. Хёслер (Германия) — 167 см.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ ... (ДАВОМИ)

Чемпионатда иштирок этаётганлар ичида энг қария мураббий — В. Бошков (Югославия) — 69 ёш. Энг ёши — С. Катанец (Словения) — 36 ёш. Энг оғир вазнли футболчи — Я. Коллер (Чехия) — 103 кг. Энг енгил вазнли — Ф. Петре (Руминия) — 61 кг. Терма жамоа сафида майдонга тушиш бўйича рекордчи — Л. Маттеус — 146, гол уриш бўйича рекордчи — Д. Бергкамп (Голландия) — 37 та.

СИДНЕЙ — 2000

Олимпиаданинг футбол турнирига ҳам қуръа ташланди: «А» гуруҳи — Нигерия, Австралия, Италия, Гондурас. «В» гуруҳи — Жанубий Корея, Испания, Марокаш, Чили. «С» гуруҳи — АҚШ, Чехия, Камерун, Қувайт. «Д» гуруҳи — Бразилия, Словакия, ЖАР, Япония. Ўйинлар 13 сентябрда бошланади. Финал ўйини 29 сентябрда бўлади.

РАҚАМЛАР ТЎРИДА

Мамлакатимиз биринчилигида бўлиб ўтган 170 ўйинда дарвозаларга 469 тўп киритилди, ўртача бир ўйинда 2,75 тадан. Ҳакамлар футболчиларга 580 бор сариқ карточка кўрсатишди. 35 ўйинчи майдондан четлатилди. Ўтказилган 170 ўйинни 1556500 томошабин бевосита томоша қилди, ўртача бир ўйинда 9155 тадан. Тўпурарлар баҳсида Ж. Ирисметов (Дўстлик) пешқадам — 17 гол. М. Муҳаммадиев (Самарқанд — Д) ва З. Холмуродов (Насаф) 13 тадан тўп киритишган.

«TITANIC» ҚАҲРАМОНЛАРИ МОСКВАДА

(бўлган воқеа)

Дарсга эндигина қўнғироқ чалинган, ҳамма дарсда ўтирарди. 11-синф ўқувчиларининг хонасига мактаб директори кириб келди. Лекин у ёлғиз эмас, олдида бир ўспирин ҳам бор эди. Ҳайратдан қотиб қолган синфдаги барчанинг кўзи йигитга қадалганди. Директор бу таажжубга тушунмай, янги ўқувчини болаларга таништирди:

— Азиз ўқувчилар. Бу йигит бугундан бошлаб сизлар билан бирга ўқийди. Умид қиламанки, у тез кунларда сизлар билан дўстлашиб кетади. Танишинг: Александр Семёнов.

Директор ўқитувчидан узр сўраб, хонани тарк этди.

Ўқувчилар ҳамон боладан кўзларини узмай қараб туришарди. Биринчи бўлиб ўқитувчи ўзига келди ва:

— Ўтир, Саша, — деб, дарсни давом эттира бошлади. Саша индамай орқадаги партага ўтириб, дарсга қулоқ тутди.

Дарс ўртасида олдинроқда ўтирган чиройли бир қиз унга шундай тикилдики, умрида қиз боланинг бундай қарашини биринчи марта кўраётган Сашанинг юраги ўйнаб кетди...

Синфдагиларнинг ҳайратланишига сабаб бўлган нарса шу эдики, бу бола бутун дунёга машҳур бир кино юлдузига ғуйиб қўйгандек ўхшаб кетарди. Александр миллионлаб кино ишқибозларнинг қалбидан жой олган «TITANIC» фильми бош қаҳрамони Леонардо Ди Каприонинг ўзгинаси эди! Ҳа, ҳаётда бундай тасодифлар кўп учрайди. Лекин мамлакатнинг чеккасидаги бир қишлоқдан келган, дунёда «TITANIC» деган фильм борлигини ҳам билмаган содда бола нега ҳамма унга ҳайрат кўзлари билан қараётганини тушунолмай гаранг эди.

Дарсдан чиқишга қўнғироқ чалиниши биланоқ, Оля (олдинроқда ўтирган қиз) бутун кўч-кўронини кўтариб келиб, Сашанинг партасини устига қўйди-да, «Бугундан бошлаб мен шу ерда ўтираман», деди ва беш дақиқалик танаффусдаёқ у билан дўстлашиб олди. Синфдаги бошқа қизлар, айниқса, Олянинг партадоши Нина аллақачон унга ҳасад қила бошлаганди. Саша эса, ўша биринчи ўтли қараштаёқ Оляни ёқтириб қолганди ва у билан жуда очилиб суҳбатлашарди.

Дарслар тамом бўлгач, Оля билан Саша бирга кетишди. Улар шаҳарнинг энг чиройли жойларида 2 соатдан ортиқроқ айланиб юришди. Кўчада кўринган ҳар бир одам уларга қараб анграйиб қоларди. Олянинг эса боши осмонда. Ахир, хурсанд бўлмай бўладими? Гарчи ҳақиқийси бўлмаса ҳам, кимсан — «Леонардо Ди Каприо» билан бирга кетяпти. Сайрдан кейин иккаласи ҳам чарчаб, хиёбонга киришди ва четроқдаги скамейкага бориб ўтиришди. Оля аллақачон севги ҳақида гап очган, Сашани қучоқлаб олиб, уни биринчи кўришдаёқ севиб қолгани, энди усиз яшолмаслиги ҳақида бутун иқтидорини ишга солиб маъруза ўқирди. Умрида қиз боланинг қўлини ҳам ушлаб кўрмаган Саша эса уятдан қулоғигача қизариб кетганди. Ва ниҳоят у ҳам ўзининг дил сўзларини изҳор қилди. Вақт анча кеч бўлиб қолгач, улар хайрлашдилар.

Эрталаб мактаб дарвозаси олдида Сашани у ўйлаганидек Оля эмас, ҳасаддан ёнаётган Нина кутиб олди. У қўлида Россиянинг машҳур журналларидан бирини ушлаб турарди.

— Бугун Оля сал кечикиб келаркан, манавини сенга бериб юборди, — деб, у қўлидаги журнални Сашага берди ва ўзи тезда жўнаб қолди. Журналнинг бетида худди ўзига ўхшаган йигит (ҳақиқий Леонардо Ди Каприо) нинг сурати, тагида эса «ЎҚИНГ, МАШҲУР КИНО ЮЛДУЗИ БИЛАН СУҲБАТ. 7-саҳифада» деган ёзувлар турарди. Саша расмга яхшилаб тикилди. Эътиборли томони шунда эдики, унинг ҳатто сочлари ҳам актёрникига ўхшарди. Шунда у ҳаммасини тушуниб етди ва бу бемаъни вазиятдан ўзининг ғаши кела бошлади. Шу билан бирга унинг миясида шубҳалар уйғонди: «Балки у мени эмас, Ди Каприони севар? Менинг ўзимни эмас, менинг кўринишимни ёқтирар? Уни синаб кўриш керак. Ҳозироқ синаш керак». У мактабдан чиқди-да, тўғри келган биринчи сартарошхонага кирди. Дарсга анча кечикиб келганда, Саша дўкондаги сартарош қизларнинг ялиниб-ёлборишларига қарамай, сочини тагтуги билан олдириб ташлаган ва умуман бошқача кўринарди.

Сашани бу аҳволда кўрган Оля эса дарҳол ўзгарди. У хўмрайганича нарсаларини йиғиштирди-да, шартта ўзининг олдинги жойига ўтириб олди. Александрнинг барча шубҳаю гумонлари тўғри чиқанди.

Дарсдан сўнг у ўзининг устидан кулгани учун Олядан нафратланиб, кеча ўзининг соддалик билан айтган гапларини истеҳзо билан эсларди. Хаёл билан бўлиб, ўзи ҳам билмаган ҳолда кечаги хиёбонга, айнан ўша скамейканинг олдига бориб қолганди.

Қараса, скамейкада бошқа бир қиз йиғлаб ўтирарди. Сашанинг хаёли бўлиниб кетди ва қизга яхшироқ разм солди. Қизнинг ҳам чеккароқ вилоятдан эканлиги яққол кўриниб турарди. Саша қизнинг юзи, кўзлари, умуман, ўзи ҳам жуда гўзаллигини беихтиёр ичида тан олди. Қиз билан танишди. Исми Надя экан. Ўзи Красноярск ўлкасидан.

— Мен эса Ирктуск вилоятиданман, — деди Саша унинг кўзларига тикилиб, — отам бошқа ишга ўтиб Москвага кўчиб келдик. Нега бунчалик хафасан?

— Мен ҳам Москвага кеча келдим. Келганимдан бери ҳамма ғалати-ғалати қарашяпти. Йигитлар қандайдир мен умримда эшитмаган исмларни айтишадими-ей... Хуллас, тўйиб кетдим.

— Сеникига ўхшаш воқеа менда ҳам бўлди. Кейин билсам, аллақаёқдаги бир киноактёрга ўхшаб кетарканман. Эҳ, қўй бу гапларни. Юр, ундан кўра, шаҳарни айланамиз.

— Кетдик, — деди Надя ҳам қизиқиб. У кўзидаги ёшни артиб ташлади ва биринчи марта Сашага кулиб қаради.

Шу тариқа иккаласи бирга-лашиб шаҳар бўйлаб сайр қила бошлашди. Энди уларни кўрган одамлар тўхтаб, кечагидан ҳам кучлироқ ҳайрат билан қараб қолар, баъзилар инглиз тилида нималардир деб гапирар, баъзилар ҳатто дарҳол расмга ола бошларди.

Шу пайт уларнинг олдидан Сашанинг синфдошлари — Оля билан Нина чиқиб қолди. Иккала қиз ҳам уларга ҳайратланиб қараб туришарди. Нина улардан кўзини узмай, Оляга шундай деди:

— Анави йигитни-ку Леонардо Ди Каприо эмаслигини аниқ биламан. Лекин унинг олдида Кейт Уинслет («TITANIC»нинг яна бир бош қаҳрамони) нима қиляпти?!

... Ана шунақа гаплар

Ботиржон ҒОФУРОВ,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

ЭЪЛОН

Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 13-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Акбар Ўсаров номига берилган O'R-A № 485329 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси чет тиллар кафедраси мудири Мавлуда Қосимовага волидаи муҳтарамаси **МУАЗЗАМ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва касаба уюшмаси, бошлангич таълим ва дефектология факультети жамоаси декан Маматжон Ҳайдаровга волидаи муҳтарамаси **ОЙНАБОТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлари малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси жамоалари таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон тумани қўмитаси раиси **Баҳром ТУРДИЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Насриддин БОТИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-517. Тиражи 35.358.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди —